

**ЎЗБЕКИСТОН БАДИИЙ АКАДЕМИЯСИ
КАМОЛИДДИН БЕҲЗОД НОМИДАГИ МИЛЛИЙ
РАССОМЛИК ВА ДИЗАЙН ИНСТИТУТИ**

**САНЪАТШУНОСЛИК ФАКУЛЬТЕТИ
МУЗЕЙШУНОСЛИК КАФЕДРАСИ**

ЖАББОРОВА ЗУҲРА АБДИҒАНИ ҚИЗИ

**ҚАШҚАДАРЁ ҚИЛОЯТИ КИТОБ ТУМАН ГЕОЛОГИК
ҚЎРИҚХОНА МУЗЕЙИ ФАОЛИЯТИ**

5150200 - Санъатшунослик (музей иши ва маданий мерос объектларини
сақлаш) ихтисослиги бўйича
“бакалавр” даражасини олиш учун тақдим этилган

БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИ

Илмий раҳбар: “Музейшунослик”
кафедраси доценти М.Мухамедова

ТОШКЕНТ 2019

Музейшунослик кафедрасининг 2019 йил ” ____ ” _____ даги
№ ____ - сонли мажлисида муҳокама этилган ва факультет Кенгашига кўриб
чиқиш учун тавсия этилган.

Кафедра мудири _____

К.С.Нишонова

Санъатшунослик факультетининг 2019 йил ” ____ ” _____ даги
№ ____ - сонли факультет Кенгашида муҳокама этилган ва ҳимояга тавсия
этилган.

Факультет декани _____

Б.Ю.Сангиров

М.Ў.

Такризчи : _____

(илмий даражаси, илмий унвони, лавозими Ф.И.Ш.)

Ҳимоя 2019 йил ” ____ ” _____ Камолиддин Беҳзод номидаги
Миллий рассомлик ва дизайн институтида ўтказилди.

Манзил: Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Мироншоҳ 123 уй.

МУНДАРИЖА:

КИРИШ	4-9
I БОБ. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ГЕОЛОГИК ҚЎРИҚХОНА МУЗЕЙЛАРИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ЖАРАЁНИ ВА ФАОЛИЯТИНИНГ РИВОЖЛАНИШИ	10-33
1.1. Геологик қўриқхона ва давлат қўриқхона музейларининг ташкил топиш тарихи ва фаолияти	10-19
1.2. Жаҳон музейшунослигида геологик қўриқхона музейлари тажрибасини тадбиқ этиш масаласи	19-33
II БОБ. КИТОБ ГЕОЛОГИК ҚЎРИҚХОНА МУЗЕЙИНИНГ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ АСОСЛАРИ	33-51
2.1. Китоб давлат геологик қўриқхонаси музейи экспозицияси ва экспонатлари хусусида маълумот	34-45
2.2. Китоб давлат геологик қўриқхонаси музейининг ривожлантириш ва такомиллаштириш масалалари	45-51
ХУЛОСА	
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати	
Иллюстрациялар	

Кириш

Музейларни тарих, маданият ва санъатнинг хазинаси деб таърифлашади. Улар турли-туман ноёб ва қимматбаҳо ашёларни сақлайди, тарихни ўрганади ва экспозициялар орқали кенг оммага намойиш этади.

Бир қарашда музейни маданий ёдгорликлар, турли ахборотларни сақлаши нуқтаи - назарида архив ёки кутубхона сингари муассасалар билан бир қаторга қўйиш мумкин. Бироқ унинг мазкур илмий институтлардан фарқловчи муҳим таркибий омилларини қайд этиб ўтиш лозим. Музейлар тарихий ва маданий омилларнинг ривожини акс эттирувчи асосий омил сифатида катта кучга эга бўлган ҳолда шиддатли ривожланиш жараёнларини бошидан кечирмоқда.

Тадқиқотнинг долзарблиги. Мазкур битирув малакавий иши Ўрта Осиёда ягона Китоб геологик қўриқхона музейи фаолиятини ўрганишга бағишланган. Музейшунослик соҳасида мутахассислар томонидан Китоб геологик қўриқхона музейи тўғрисида деярли илмий изланишлар олиб борилмаган ва натижада мазкур мавзу бўйича фундаментал тадқиқотлар мавжуд эмас.

Бугунги кунга қадар Китоб геологик қўриқхона музейи замонавий музейшунослик нуқтаи назаридан илмий жиҳатдан кам тадқиқ этилган ва айни кунда табиат ёдгорликларини музейлаштириш жараёнида долзарб аҳамиятга эга мавзулар сирасига киради. Ўзбекистон экотуриزمи маршрут тизимига Китоб геологик қўриқхона музейининг ҳам киритилиш режаси ва Қўриқхона таркибидаги музей фаолиятини такомиллаштириш асосида йирик экомузейга айлантириш масалалари танланган мавзунинг асосий долзарблигини изоҳлайди. Шунингдек, музей экспозициясини таҳлил этиш, экскурсия матнини ишлаб чиқиш ва минерологик, зоологик, биологик ҳамда ботаник топилмаларни консервация қилиш муҳим долзарб масалалардан саналади.

Ўзбекистон ҳукуматининг Республика музейлари фаолиятини такомиллаштириш мақсадида қарорлар, фармон ва қонунларни ишлаб

чиқиши музейлар фаолиятининг такомиллашишига туртки бўлди¹. Бугунги кунга қадар мазкур Қарор ва Фармонлар имкон қадар бажарилиб, қўйилган вазифалар амалга оширилиб келинмоқда.

Илмий изланишнинг мақсад ва вазифалари. Битирув малакавий ишининг мақсади Китоб геологик қўриқхона музейи фаолиятини ўрганиш ва такомиллаштириш бўлиб, ушбу мақсаддан келиб чиққан ҳолда қуйидаги вазифалар белгиланди:

- Геологик қўриқхона ва давлат қўриқхона музейларининг ташкил топиш тарихи ва фаолиятини архив ҳужжатлари ва илмий адабиётлар асосида таҳлил қилиш (асосий нашрларда яхлит ёритилмаган);

- Жаҳон музейшунослиги тажрибасида шу таркибга оид геологик қўриқхона музейлари илғор тажрибаларни ўрганиш ва Китоб геологик қўриқхона музейи ашёлари консервацияси фаолиятига тадбиқ этиш;

- Китоб Давлат геологик қўриқхонаси музейи экспозицияси ва экспонатлари хусусида маълумот жамланган каталог ишлаб чиқиш;

- Қўриқхонаси музейини ривожлантириш ва такомиллаштириш масалалари бўйича таклифлар ишлаб чиқиш.

Мавзунинг ўрганилиш даражасининг қиёсий таҳлили. Ўзбекистон Китоб геологик қўриқхона музейининг ташкил топиш тарихига доир асосий расмий ҳужжатлар, музей кутубхонасидаги вақтли матбуот нашрлари асосида ўрганиб чиқилди². Ушбу ҳужжатлар асосида геологик

¹“Музейлар тўғрисида” ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни. 2008 йил сентябрь // Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 йил. - № 37-38. -Б. 12-20. // Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. – Т.: Ўзбекистон, 2003. – 40 б. // Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 31 октябрдаги “Музейлар фаолиятига тааллуқли меъёрий ҳужжатлар тўғрисида”ги 237-сон қарори. // Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 12 апрелдаги “Ўзбекистон Республикасининг “Музейлар тўғрисида”ги Қонунини рўёбга чиқариш учун зарур бўлган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тасдиқлаш ҳақида”ги 68-сон қарори. // Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 31 октябрдаги “Музейлар фаолиятига тааллуқли меъёрий ҳужжатлар тўғрисида”ги 237-сон қарори. // Музейлар фаолиятини тубдан яхшилаш ва такомиллаштириш бўйича давлат томонидан чиқарилган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 15 декабрда 975-сонли қарор. // 2017-2027 йилларда Давлат музейлари фаолиятини такомиллаштириш ва моддий-техник базасини мустаҳкамлаш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастурини тасдиқлаш тўғрисидаги қарор. // 1-Илова - Б. 2.

² Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг 1979 йилда қабул қилинган Китоб Геологик Қўриқхона музейини ташкил этиш тўғрисидаги №-206 сонли қарори. // Ўзбекистон Республикаси биринчи Президентининг 2007 йил 17 январда қабул қилинган Китоб Геологик Қўриқхона музейи тўғрисидаги №ПК-568 сонли қарори.

кўриқхонанинг ташкил этиш сабаблари, экотизимни сақлашдаги ўрни ва унинг муҳим вазифалари тавсифлаб берилган.

Музейнинг кейинги йилларидаги фаолияти, бевосита музейларнинг ўзидан бориб тўпланган материаллар асосида Китоб геологик кўриқхона томонидан юритилган йиллик хисоботлар асосида тадқиқ этилди³. Ушбу хисоботлар жамланмасида Геологик кўриқхона музейда ташкил топган вақтдан то ҳозирги йиллар оралиғида олиб борилган ислохотлар билан танишиш мумкин. Хорижий мамлакатлар билан ўзаро илмий алоқалар, халқаро экспедициялар, ўтказилган конференция ва маданий тадбирлар, маҳаллий газета ва журналларда чоп этилган мақолалар⁴ асосида ўрганиб чиқилди.

А.Ахмедшаев ва Х.Саиповнинг “Глобальные геопарки Юнеско – Китабский государственный геологический заповедник” номли мақоласида эса кўриқхона музейининг жаҳон миқёсида тутган ўрни ва ЮНЕСКО геобоглар рўйхатига киритилиши хусусидаги маълумотлар берилган⁵. Мавзуга доир нашрларни тадқиқ этиш билан бирга бир қатор интернет сайтлари⁶ маълумотларидан фойдаланилди.

Шунингдек музейшунослик соҳаси табиат ёдгорликларини экспозицияга қўйиш, консервация қилиш борасидаги илмий таҳлиллар билан Д.Т.Курязованинг “Музей иши тарихи ва назарияси”, Е.А. Воронцованинг “Музеи в системе науки”, М.Х. Бекмуродов ва М.Х. Рашидованинг “Музейшунослик” ва бошқа шу каби илмий ўқув адабиётларга мурожат

³Китоб Геология Кўриқхона музейи 2003-2018 йил учун хисоботи. Музей кўриқхона жорий архиви.

⁴Аскарлов М. «Ўзбекистондаги кўриқхона ЮНЕСКОнинг геобоглар бутунжаҳон тармоғига киритилиши мумкин.» Қашқадарё ҳақиқати. 30 май. 2019 йил; Дмитриева В.В. «Бизнинг меросимиз». 9 апрел.2017й.; The article SE «The Kitab State Geological Reserve».18 Sep 2016. – P. 557.;

⁵Ахмедшаев А. Саипов Х. Глобальные геопарки Юнеско – Китабский государственный геологический заповедник. Моддий-маънавий мерос ва умумбашарий кадриятлар. Илмий мақолалар тўплами; Тошкент 2018. 21-36 б.

⁶Uza.uz/O'zbekiston-o'rmon-ho'jaligi-davlat-qo'riqxonasi/; Государственный комитет республики Узбекистан по геологии и минеральным ресурсам. статья 27 марта 2005 г.//Uzgeolcom.uz; www.my-gallery.narod.ru; <https://www.ziyonet.uz>; <https://cartogiraffe.com>; <https://www.lex.uz> (Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси); fine-art.artmam.com; Network.icom.museum.ru; www.my-gallery.narod.ru

килинди⁷. Шу билан бирга мавзуга доир куйидаги И. В. Батюшкованинг “История геологии”, А. Г. Милютин “Геология” ва бошқа шу каби адабиётларда геология соҳасининг ривожланиш тарихи, мантикий ва ривожланиш қонунларини хусусида, П. Баратовнинг “Ўзбекистон табиий географияси” ўқув қўлланмасида Ўзбекистон табиати ва табиий бойликлари, фойдали қазилмалари, иқлими, сувлари, дарё-кўллари, тупроқлари, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси, уларни асраш ва муҳофаза қилиш йўллари таҳлил қилинган⁸.

Битирув малакавий ишини ёритишда яна бир қатор хорижий адабиётлар Richard Knapp Robert Topkins “Gold in History, Geology and Culture: Collected Essays” ва Jonathan Wonham “Geology and Literature” асарида геология тарихи, унинг ривожланиш даврлари ва табиат билан геологиянинг ўзаро алоқадорликда ривожланганлиги, маданий қатламдаги геологик изланишлар ўрганилди⁹.

John McPhee “Control of Nature” асарида табиат ноёбликларини асраш ва ундан тўғри фойдаланиш хусусидаги илмий қарашлар, Hilary Bauremen, Henry William Bristow, Andrew Ramsay “A descriptive catalogue of the rock specimens in the Museum of Practical Geology” каталогида геология музейида сақланаётган ноёб геологик экспозитция сақланиш тартиблари ўрганилди.

⁷Курязова Д.Т.Музей иши тарихи ва назарияси - Т.: Ўқитувчи, 2007. - 160 б.; Воронцова Е.А. Музеи в системе науки (Текст)/ Е.А. Воронцова// Культурные миры: Материалы науч. конф. Типология и типы культур: разнообразие подходов. М.: - С.171.; Бекмуродов. М.Х. Рашидова М.Х. Музейшунослик. -Т.: Фан 2006. - 102 б.; Фузаилова Г, Хасанова М. Музееведение. – Т.: Фан ва технологиялар, 2008. – 192 с.; Галкина Т.В. Музееведение: основы создания экспозиции. -Томск: Томского государственного педагогического университета, 2004. - С.56.; Гнедовский М.Б. Современные тенденции развития музейной коммуникации (на материале музееведческой культуры капиталистических стран) // Проблемы культурной коммуникации в музейной деятельности. Сб науч. трудов/ НИИ культуры МК РФ. ИНСССР. – Москва: 1989. – 134 с; Илалов И. Музееведение. -Т.: 2006. - 357 с.; Исмаилова Ж.Х. Замонавий музейшунослик асослари. Т.: Турон замин зиё, 2016. - 40 б.; Известия Среднеазиатского Комитета по делам музеев и охраны памятников старины, искусства и природы. Вып. 1. – Ташкент: Средазкомстарис. 1926. – 312 с.; Нишанова К.Музей халқ тарихи кўзгуси. Т.: Янги аср авлоди - 2011. - 392 б.; Потапов, А. Музейный предмет и его эмоциональное восприятие // Мир музея. –М.: 2004. – №10. - С.18–20.; Содыкова Н. Музейное дело в Узбекистане. - Т.: Фан, 1975. – 290 с.; Соболева Н.А. Музейный сервис: пути развития. / Сборник. – М.: 2004. - 125 с; Тельчаров А. Основы музейного дела. – Москва: Омега, 2005. – 182 с.

⁸Батюшкова. И. В. История геологии. - М.: Наука, 1973. - 388 с.; Криштофович А.Н. Геологический словарь. - 404 с.; Милютин.А.Г. Геология. -М.: Юрай, 2012. - 494 с.; Чумаков В.Ю. Демидовы. Пять поколений металлургов России. – М.: ЗАО «Бизнеском». – 2011. – 131 с. – (серия «Великие российские предприниматели», том 2) – ISBN 978-5-91663-088-6;

⁹Richard Knapp Robert Topkins “Gold in History, Geology and Culture: Collected Essays”, North Crolina Office of Archives and History.2001. –P.430.; Jonathan Wonham “Geology and Literature”. Paperback.1953. – P.120;

William Bucklandning geologiya va mineralogiya sohasida tabiat bilan uzviy aloqasi ёритилган "Geology and Mineralogy considered with reference to Nature" илмий кўланмасидан фойдаланилди¹⁰.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги. Китоб геология кўриқхона музейининг зоологик, минерологик ва ботаник коллекциялари шу кунга қадар атрофлича илмий жиҳатдан мукамал ўрганилмаган бўлиб, музейнинг ҳар бир бўлимидаги экспонатларнинг деярли барчаси асл нусха ҳисобланади. Музейдаги мавжуд коллекциялар илмий паспортларини тадқиқ этиш ва экспонатларни тўлиқ ўрганиб чиқиш ҳамда Китоб геологик кўриқхона музейи муҳитини экомузейлаштириш лойиҳасини ишлаб чиқиш тадқиқотнинг асосий илмий янгилиги ҳисобланади.

Тадқиқот предмети ва объекти. Тадқиқотнинг объекти Китоб геологик кўриқхона музейи, тадқиқотнинг предмети эса музей таркибидаги музей ашёлари ва коллекцияларидир.

Тадқиқотнинг илмий аҳамияти. Тадқиқот ишида ишлаб чиқилган ва олинган илмий натижалар талаба ва ўқувчиларга Китоб геологик кўриқхона музейи ва унинг фаолияти ҳақида чуқурроқ маълумотга эга бўлиб, келгусида ундан гид кўлланма сифатида фойдаланиш имконини беради. Шу билан бирга Китоб геологик кўриқхона музейи сайёҳлик марказларидан бирига айлантиришда каталог маълумотнома тайёрланиши ҳам унинг илмий аҳамиятини оширади.

Битирув малакавий ишининг таркибий қисми. Мақсад ва вазифалардан келиб чиққан ҳолда тадқиқот - кириш, икки боб, тўрт бўлим, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иллюстрациялардан иборат. Битирув малакавий ишининг кириш қисмида мавзунинг долзарблиги, илмий янгилиги, адабиётлар таҳлили илмий асосланган. Биринчи боб "Геологик кўриқхона таркибида музейларини ташкил этиш фаолиятининг

¹⁰John McPhee "Control of Nature". New York.:Farrar Straus Giroux.1991. –P.272; Hilary Bauremen, Henry William Bristow, Andrew Ramsay "A descriptive catalogue of the rock specimens in the Museum of Practical Geology". New York.: 2016. - P.167.; William Buckland "Geology and Mineralogy considered with reference to Natural Theology"¹⁰ ublication: London.: William. Pickering; 1836. - P.96.

ривожланиши” деб номланиб, унда геологик кўриқхона музейининг ташкил топиш тарихи ҳамда жаҳон музейшунослигида геологик кўриқхона музейлари соҳасига доир ташкил этилган музейлар тажрибасини тадқиқ этиш масалалари баён этилган.

“Ўзбекистон геологик кўриқхона музейининг такомиллаштириш асослари” деб номланган иккинчи бобда Китоб геологик кўриқхона музейи экспозицияси ва экспонатлари хусусида ҳамда Ўзбекистон Китоб геологик кўриқхона музейини саёхлик марказларидан бири сифатида ривожлантириш ва такомиллаштириш муаммолари илмий тадқиқ этилган.

Битирув малакавий ишининг хулоса қисмида Ўзбекистон Китоб геологик кўриқхона музейи фаолиятидан келиб чиққан ҳолда музей экспозициясини ривожлантириш ва мавжуд камчиликларни бартараф этиш борасида таклифлар ҳам бериб ўтилган.

I БОБ. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ГЕОЛОГИК ҚЎРИҚХОНА МУЗЕЙЛАРИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ЖАРАЁНИ ВА ФАОЛИЯТИНИНГ РИВОЖЛАНИШИ

1.1 Геологик қўриқхона ва давлат қўриқхона музейларининг ташкил топиш тарихи ва фаолияти

XIX асрга келиб музейнинг ижтимоий-маданий институт бўлиб шаклланиши жараёни тугади. XX аср бошларига келиб музей ва унда тўпланган буюмлар илмий ходимлар учун систематизацияланган ва илмий методлар асосида ўрганиш манбаи ҳисобланиб, турли ихтисосликдаги музейлар фаолияти шакллана бошлади. Маълум жойдаги мавжуд бўлган музейлар тўпламлари - музейлар тўплами деб аталади. Бу тушунча бир турдаги, бир типдаги ёки бир муассасага мансублигига нисбатан қўлланилади. Бу жараённинг дастлабки босқичи асосан шиддатли характерга эга, улар ўз даврининг ижтимоий, иқтисодий, илмий ва маданий эҳтиёжини акс эттирган. Музейлар ижтимоий ҳаётда ўзига хос ўринга эга. Кишилар учун энг аввало маърифий-маданий, илмий ва дам олиш маскани бўлган музейларни ўтмиш ва ҳозирги ҳаётимизнинг ойнаси дейиш мумкин. Бу таъриф биз яшаётган табиий - жўғрофий муҳит, геологик ресурслар, фойдали қазилмалар мужассам равишда акс эттириши лозим бўлган геология музейларига, айниқса, тааллуқлидир. Шу жиҳатдан айтиш лозимки, географик муҳит ҳар қандай жойда ижтимоий- иқтисодий тараққиёт учун пойдевор бўлиб хизмат қилади. «Табиат - жамият-инсон» тизими, яъни табиат ва жамият тарихи бир-бири билан чамбарчас боғлиқ бўлиб, бу икки моддий ва маънавий асос алоқадорлиги ривожланиш йўлида ўзаро бир-бирига имкон яратади ва бир-бирини тақозо этади. Табиат ва жамиятнинг ривожланиш қонуниятлари бир-биридан фарқ қилсада, уларнинг ўзаро муносабатлари ривожланишининг қонуниятлари мавжуд. Шу сабабли, ижтимоий-иқтисодий ҳаёт муайян жой табиат билан уйғунлашган бўлади. Табиий музейларга - ўз фаолияти жараёнида табиий фанларга таянувчи барча

музейлар киради. Бу ихтисосликка биология, ботаника, зоология, геология, минералогия, палентология, антропогия ва бошқа музейлар киради.

Музейлар фаолияти давомида тўпланган тажрибаларни умумлаштиришни, музейшунослик тарихини ўрганишни жамиятимизнинг бугунги тараққиёти, маданиятимиз ривожининг ўзи тақозо этмоқда. Бу борада музейлар илмий-тадқиқот фаолиятининг барча шаклларига тўғри йўналиш берувчи, унинг турли услуб ва воситаларидан самарали фойдаланишга имконият яратувчи музейшунослик ишининг илмий назариясини ҳам эътиборга олиш лозим. Музейшунослик тарихи фан ва маданиятимиз тарихининг узвий қисмидир. Ўзбекистондаги музейшунослик тарихини ишлаб чиқиш фақат илм-маърифат нуқтаи назаридан муҳим бўлиб қолмай, у катта амалий аҳамият ҳам касб этади.

Ўзбекистон музейларини қуйидаги асосий ихтисослик гуруҳларига ажратиш мумкин:

Тарих музейларига – тарих фанлари системасига таянган барча музейлар киради: кенг тарихий ихтисосликдаги, археология, этнография, нумизматика, ҳарбий – тарихий, тарихий – иқтисодий, илм ва маърифат тарихи, махсус тарихий (масалан спорт тарихи) каби музейлар шулар жумласидандир.

Бадиий музейларига – санъат тарихи ва санъатшуносликка таалуклилиги бўйича характерланувчи барча музейлар киради. Масалан, тасвирий санъат музейлари, суратлар галереяси, хайкалтарошлик музейлари, амалий санъат музейи, бадиий хунармандчилик музейи, гравюра кабинетлари, шунингдек театр, мусиқа, кино санъати музейлари ва бошқалар.

Табиий музейларга – ўз фаолияти жараёнида табиий фанларга таянувчи барча музейлар киради. Бу ихтисосликка биология, ботаника, зоология, геология, минералогия, палентология, антропогия ва бошқа музейлар киради¹¹.

¹¹ Kuryazova D.T. Muzey ishi tarixi va nazariyasi. – T.: O'qituvchi, 2007. – B.57.

Юқорида айтиб ўтилганидек табиий музейлар сирасига кўриқхона музейларни киритиш мумкин. Бундай турдаги музейлар нафақат топилган сақланиб қолган ёдгорликларни, балки ҳозирда ҳам мавжуд ноёб юртимиз бир бўлаги ҳисобланган табиат билан уйғун кадриятлар, ноёб ўсимлик ва геологик объектларни ҳамс ақлаб келмоқда¹². Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси Республика ҳудудида 400 дан ортиқ табиат ёдгорлигини ҳисобга олган. Булардан 80 га яқини жонсиз табиат ёдгорликларидир. Жонсиз табиат ёдгорликлари орасида хилма-хил карст рельефи шакллари, шу жумладан, археологик аҳамиятга эга бўлган ғорлар, шунингдек нодир булоқлар, шаршаралар, илмий жиҳатдан ката аҳамиятга эга бўлган қоялар ва геологик очилмаларни муҳофаза қилиш муҳим вазифалардан ҳисобланади. Сайробдаги қадимий чинор, Бойсундаги Чор чинор, одамларнинг қадимги аждоди топилган Тешиктош ғори, Хўжакентдаги қояга чизилган расмлар, Чинор, Амир Темурғори, Қирққиз, Одамтош, “Диназаврлар жанги”¹³ қоялари ва бошқалар шулар жумласидан. Уларнинг бетакрор, сеҳрли ва мафтункор манзаралари жиддий муҳофазага муҳтождир. Ўзбекистоннинг кўриқхоналарида олиб борилган ва олиб борилаётган ишлар кўлами жуда кенг, айтилиши вақтда жуда долзарб ҳисобланади. Шу билан бирга олиб борилаётган тадқиқотлар аввалги тадқиқотларни мазмунан давоми бўлиб, асосан бир мақсадга, яъни табиатни муҳофаза қилишга қаратилган. Кўриқхоналарда жадал олиб борилаётган тадқиқот ва илмий текшириш ишлари натижасида кўриқхоналар майдони кенгайтирилиб, алоҳида муҳофаза қилинадиган ҳамда тадқиқот марказларига айлантирилган ҳудудлар ташкил этилиб келинмоқда.

Бундай ҳолатни деярли барча кўриқхоналар негизида кўриш мумкин. Ўзбекистонда биринчи кўриқхона 1926 йилда Зомин туманининг Жиззах ўрмон хўжалигига қарашли Кўлсой ва Ғўралашсой ҳавзаларида «Ғўралаш» тоғ-арча кўриқхонаси номи билан ташкил қилинган эди. Лекин кўриқхона

¹² Kuryazova D.T. Muzey ishi tarixi va nazariyasi. – Т.: O‘qituvchi, 2007. – В.57.

¹³ Батюшкова. И. В. История геологии / отв. ред. М.: Наука, 1973. - С.7.

1930 йилга келиб тугатилиб, унинг худуди қуёнчилик совхозига қўшиб берилди. Қуёнчилик совхозини ҳам ўз фаолиятини 1933 йилга келиб тугатди. 1933 йилда «Ўралаш» тоғ-арча қўриқхонаси қайта тикланди. 1951 йилга келиб «Ўралаш» қўриқхонаси бекор қилинди. Ўзбекистон Ҳукуматининг 1959 йил 20 июндаги қўрсатмасига кўра, 1960 йилда «Ўралаш» тоғ-арча қўриқхонаси Зомин тоғ-ўрмон қўриқхонаси номи билан қайта тикланди¹⁴.

Республикада иккинчи қўриқхона 1947 йили тузилган Чотқолтоғ-ўрмон қўриқхонасидир. 1970 йилдан бошлаб Ўзбекистонда қўриқхоналар ташкил қилинишига алоҳида эътибор берилди. Ўша вақтда Республикада бор-йўғи 3 қўриқхона (Зомин, Чотқол, Пайғамбаророл) бўлиб, уларнинг майдони 49,3 минг гектарни ташкил қилар эди. Ҳозир Ўзбекистонда умумий майдони 490 минг гектарни ташкил қилган 9 та қўриқхона мавжуд¹⁵.

Худди шундай музей қўриқхоналардан бири Китоб геологик қўриқхона музейи ҳисобланади. Ўрта Осиёдаги ягона геологик қўриқхона 300-400 млн йиллар илгари яшаган ҳайвонларнинг излари, тоғ жинслари, “Қизил китоб”га киритилган ноёб ўсимлик турлари – улуғвор юнона, улуғ тоғ лоласи, шарқ чинори, анзур пиёз, Зарафшон арчаси, қизилча, ширач. Ҳашоратлардан бешиктерватар, Туркистон кўзойнакли илони, эчкиэмар, тошбақа, бургут, каклик ва бошқа турдаги ноёб флора ва фаунага эга. Музей Ўзбекистон Республикаси Геология ва Минерал ресурслар Давлат қўмитаси таркибида ва тоғли ҳудудда жойлашган базага эга¹⁶.

Геология музейлари намуналари ташкиллаштириш ишлари Қашқадарё ГКЕ (1952-2010) ва “Жанубий Ўзбекистон ” ДКСи (2007- ҳозиргача) деб аталган экспедиция геологлари томонидан 65 йил давомида йиғилган бўлиб, Шаҳрисабз шаҳрида ягона, такрорланмас музей ташкил қилинган¹⁷.

Экспонатлар Жанубий Ғарбий тоғ тизмалардан олинган намуналар яъни Зарафшон, Бойсунтов, Сурхонтов ва Кухитонг тоғ жинслари,

¹⁴ Baratov P. O'zbekiston tabiiy geografiyasi. – T.: O'qituvchi, 1993 y. - B.87.

¹⁵ Ўша жойда Б.89.

¹⁶ The article SE «The Kitab State Geological Reserve».18 Sep 2016. - P.15. //Uzgeolcom.uz

¹⁷ Китоб Геология Қўриқхона музейи 2010 йил учун ҳисоботи. Музей қўриқхона жорий архиви. - Б.28.

минераллар, маданлар, нефт, тош-кўмир ва тош-туз, безак тошлар ва палеонтологлар (фауна флора), динозавр излари, тошга айланган дарахтлар, ярим қимматбаҳо тошлар ва археологик топилмалар ва ҳар хил давр ётқизикларига оид тоғ жинслари намуналари жойлаштирилган.

Музейда ҳозирги кунгача геологлар томонидан янги топилмалар билан тўлдириб келинмоқда ва бугунга келиб 2500 тадан ортиқ намуналар мавжуд.

Шунингдек музей, илмий изланишларни олиб бориш, тушунча ва маълумотлар йиғиш учун катта бир хазинадир. Ташкил этилган музейда ҳар йили ташкилот ва мактаб ўқувчилари учун экскурсиялар ташкил этилмоқда ва уларни Жанубий Ўзбекистон қазилма бойликлари табиати билан геологлар фахрланиб таништирадilar.

Геология музейига ташриф буюрувчиларнинг айримлари ҳозирда “Ёш геолог” клуби азоси ёки олий ўқув юртларида шу соҳа таълим олмақдалар ва баъзи талабалар таълим якунлангач шу соҳада иш фаолиятини ҳам олиб бормоқдалар.

Ўша даврларда Яккабоғ геолог қидирув бўлими Яккабоғ тоғларида рангли металлар қидирув ишларини олиб борилди ва натижада бир қатор конга доир майдонлар, геология минерал зоналари ва геологик нуқталар аниқланди¹⁸.

“Жанубий Ўзбекистон геологик, тасвирлаш, излаш” экспедицияси давлат корхонаси ташкил топиш тарихи бундан 68 йил олдин - 1950 йилга бориб тақалади.

Жанубий ҳудуд фойдали қазилмаларини таниқли геолог Василий Брюков томонидан башорат қилинди ва 1952 йил Қашқадарё геолог қидирув экспедицияси ташкил топди. 1953 йилдан бошлаб кенг кўламда геологик суратга олиш ишлари, ноёб ва нодир металлар, полиметал, марганет, тошкўмир, олтингугурт, фосфорит, тош тузи ва калий тузига, ёнувчи сланец ва бошқа фойдали қазилма конлар ўрганилди. Бу олиб борилган изланиш Қашқадарё, Самарқанд, Сурхандарё тоғларида жадаллаштирилди.

¹⁸ Аманов Т. O'zbekiston-o'rmon-ho'jaligi-davlat-qo'riqxonasi фаолияти хусусида.//Uza.uz

Жанубий Ўзбекистон ҳудудида 1952-1990 йилларда давлат геологик суратга тушириш 1:50000, 1:25000 миқёсларда металлонгия геохимия хариталари тузилди ва ушбу ишлар замирида Хисор региони учун 1:100 000 миқёсда харита тузилди¹⁹.

Давлат геологик хариталарни суратга олиш жараёнида А.Сиделников, А.Шомансуров, В.Бирюков, Е.Ергашев, С.Лапидус, Ф.Фаттохов, Н.Мединов, А.Мустафин, О.Шумаро, Б.Демидченко, Е.Безуглов ва шу каби бир қатор йирик геологлар қатнашдилар. Ушбу глобал-геологик бажарилган ишлар ишлар мобайнида геологлар томонидан олиб келтирилган коллекцион намуналар музей коллациялари ичидан жой олди.

Ўтган асрнинг 1952-1985 йилларида геологик суратга олиш, излаш қидириш ишлари натижасида давлат захираси фондига қуйидаги конлар топширилади: Шарғун, Бойсун тошқўмир конлари, Тепакотон қалайли туз, Хожайикон тоштуз, Бодомзор, Севаз, Искана, Макрид, Безак ва деворбоп конлари, Зарабоғ қизил гранит кони, Сайроб қизил кумтош кони, Кохитонг тоғларида қалай ва флюорит конлари аниқланди. Шунингдек, баъзан мрамор тошлари, пойдевор учун оҳактош конлари, гипс, қум, шағал, ғиштга хом-ашё конлари шулар жумласидандир. 1975 йилдан бошлаб Хисор регионидан (ҳудуди) комплекс ўрганиш дастури ишлаб чиқилди²⁰.

Музейлар фаолияти тубдан такомиллашиб, ривожланиб бормоқда. Музейда экспонат ва коллацияларини сақлаш, уларни ўрганиш талаблари даражасида йўлга қўйилган. Бу ерда соҳа бўйича илмий изланишлар олиб бораётган геологлар ўзлари учун керакли бўлган маълумотларни олишлари мумкин. Шунингдек, мактаб ўқувчилари ҳамда соҳага яқин олий ўқув юртлари талабалари ўз билимларини ошириб келмоқдалар. Бундан ташқари, хорижлик меҳмонлар юртимизда геология соҳасида эришилган муваффақиятлар, табиий ресурслар ва олиб борилаётган янгиликлар билан яқиндан танишиш имкониятига эга бўлмоқдалар.

¹⁹ Китоб Геология Қўриқхона музейи 2013 йил учун хисоботи. Музей қўриқхона жорий архиви. - Б.8.

²⁰ Государственный комитет республики Узбекистан по геологии и минеральным ресурсам, обсуждения 27 марта 2005 г. //Uzgeolcom.uz

Музейнинг ўзига хос томонларидан яна бири шундан иборатки, экскурсаводлар музейга ташриф буюрган қизиқувчиларга керакли билим ва маълумотларни етказиб берадилар. Музейга келаётганлар орасида боғча ёшидаги болалар, мактаб ўқувчилари, талабалар, оилавий келувчилар, турли корхона ва ташкилотлардан ташриф буюрувчилар экскурсаводлар томонидан инобатга олинб, уларга ернинг пайдо бўлишидан то ҳозирги вақтгача бўлган оралиқ ходисалар, фойдали қазилмалар ва минераллар ҳам ашё турлари, турли мамлакатлар конларидан олинган ноёб геологик намуналар, қадимда яшаган динозаврлар, ҳайвонот ва ўсимлик дунёси ҳақида сўзлаб берадилар.

Юқорида такидлаб ўтилганидек музей Ўзбекистон Республикаси Геология ва Минерал ресурслар Давлат қўмитаси таркибида ва яна бир филиали тоғли ҳудудда жойлашган базага эга²¹.

1975 йил экспедиция янги маъмурий бинога ўтди, экспедиция раҳбари Х.Х. Гадоев ташббуси билан Геология музейи ташкил этилди. 1975-1990 йилларда тошқўмир конларида (Руган-рихта, Шарғун, Марказий Бойсун) геология қидирув ишлари давом эттирилмоқда.

Ушбу қўриқхона 470-350 млн йиллар олдин ҳосил бўлган ётқизиқлар силур-ордовик ва девон даврларига мансуб бўлган фауна ва флораси, палеонтологик- стратиграфик объектлар ёдгорликлари сифатида, айнан ушбу кесимни бошқа қитъалар кесишмалари билан солиштириш, ер тарихи ўрганиш нуқтаи назардан катта илмий моҳиятга эга бўлганлиги учун Китоб Давлат Геологик Қўриқхонаси 1979 йилда ташкил этилди.

Музей Китоб Қўриқхонасининг намуналари фауналар, ҳозирги ўсимликлар ҳайвонлар, паррандалар, уларнинг уялари ва табиий кўриниш ҳолатида калтакесак ва илонлар жойлашган.

Геология музейи экспонат намуналар ва коллекцион материаллар билан бойитишда етакчи геологлар Е.Безуглов, Г.Залетова, Ю.Краско,

²¹Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ўзбекистон Республикаси Геология ва минерал ресурслар қўмитаси тизимида ягона геология хизматини ташкил этиш чора тадбирлари тўғрисида 2017 йил 24 май, ПҚ-3004-сон//lex.uz.

А.Баранова, А.Головченка, А.Йўлдошев, Н. Кудряшев, Лор-Ходкевич, А.Малчев, К.Жонибеков, К.Исоқов, Н.Подпорин, М.Горблев, В.Никифоров, Е.Утанбоев, Ю.Илхомов, А.Неъматов, Н.Каримов, В.Рскин, У.Рахмонов ва бошқалар фаол қатнашдилар²².

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 17 январ № ПК568-сонли қарори 2007 йил асосида “Самарқанд геология” давлат корхонасини бартараф қилиш ва Давгеолқум 2007 йил 25 январдаги буйруғига кўра асосан Қашқадарё ГҚЕ си Давгеолқум қошидаги “Қашқадарё ГҚЕ ” давлат корхонаси деб номланди²³.

2008 йилдан бошлаб геологик қидирув ишлари натижасида Широтний ва Окба майдонларида экспедиция тарихида биринчи марта Давлат захира фондига олтин топширилди²⁴.

Ўзбекистон Республикаси биринчи президентининг 2010 йил 27 августдаги №1111-1396 сонли қарорига мувофиқ ва “Давгеолқум” буйруғига асосан “Қашқадарё ГҚЕ ”давлат корхонаси “Жанубий- Ўзбекистон геологик тасвирлаш, излаш экспедицияси” Давлат корхонаси деб номланди ва Давгеолқум тасарруфида қолдирилди. Мустақиллик жараёнида қуйидаги конлар Давлат захира фондига топширилди.

Китоб Давлат геологик кўриқхонаси 1979 йилда Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг № 206 қарори билан замининмизнинг геологик тарихи, табиий-илмий ёдгорликларини намоён этадиган палеонтология – стратиграфия мажмуаларини кўриқлаш ва режали ўрганиш, шунингдек табиатни муҳофаза қилиш, аҳолининг экологик билимини ошириш мақсадида ташкил қилинган²⁵. Ўзбекистон Республикаси Геология ва Минерал ресурслар Давлат қўмитаси қарамоғида турарди. Кўриқхона ҳудуди географик жиҳатдан Зарафшон тоғининг жанубий-ғарбий ёнбағрида,

²² Государственный комитет республики Узбекистан по геологии и минеральным ресурсам обсуждения геологов 27 марта 2005 г.//lex.uz.

²³Қашқадарё ГҚЕ си Давгеолқум қошидаги Қашқадарё ГҚЕ этиш.2007 йил 17 январда қабул қилинган №ПК-568 сонли Қарори.//lex.uz.

²⁴ Китоб Геология Кўриқхона музейи 2008 йил учун ҳисоботи. Музей кўриқхона жорий архиви. - Б.35.

²⁵Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг 1979 йилда қабул қилинган Китоб Геологик Кўриқхона музейини ташкил этиш тўғрисидаги №-206 сонли Қарори. Совет Ўзбекистони. 15 май.

маъмурий жиҳатдан эса Қашқадарё вилояти Китоб туманида жойлашган. Умумий майдони 3938 га. Рельеф тоғли, юқори қисми қоялардан, пастки томони эса тепаликлардан иборат. Денгиз сатҳи баландлиги 1300-2700 м. кўриқхона худуди Оби-Сафит, Хўжақўрғон, Зинзилбоғ, Новабоғ ва бошқа сойлар чуқур кесиб ўтиб, бу ерда гўзал табиатли тоғ дараларини ҳосил қилган.

Ўзбекистоннинг жанубида жойлашган Китоб давлат геологик кўриқхонаси ЮНЕСКО нинг геобоғлар бутунжаҳон тармоғига киритилиши мумкин, деб маълум қилди²⁶.

Китоб кўриқхонасининг ЮНЕСКО бутунжаҳон тармоғига киритилиши масаласи Тошкентда бўлиб ўтган анжуманда муҳокама қилинди. "Ўзбектуризм" матбуот хизмати маълумотларига кўра, анжуманда Ўзбекистоннинг давлат муассасалари, ЮНЕСКО вакиллари, олимлар ҳамда сайёҳлик ҳамжамияти вакиллари иштирок этганлар.

"Кўриқхона тармоққа киритиладиган бўлса юртимизга ташриф буюрувчилар сони анча ўсишига умид қилса бўлади, чунки ЮНЕСКО рўйхати объект энг юқори даражадаги сифат сертификатига эга эканлигини тақдирлайди"²⁷, дейилмоқда хабарда. Бу кўриқхона ЮНЕСКО рўйхатига киритилиши мумкин бўлган Ўзбекистондаги биринчи геобоғдир.

"Ўзбектуризм" маълумотларига кўра, Ўзбекистон худуди 1 млрд йилдан кўпроқ вақт давомида турли геологик жараёнлар ва ҳодисалар натижасида шаклланган. Китоб геологик кўриқхонаси Зарафшон тизмасида жойлашган ва унга 1979 йилда асос солинган. 4 минг гектар майдонда палеонтологик ва биологик музейлар жойлашган, уларда қазилма фаунанинг турли гуруҳларининг ноёб коллекциялари сақланади.

Айни кунда геобоғлар бутунжаҳон тармоғи 33 та давлатдаги 120 та боғни ўз ичига олади. ЮНЕСКО бошчилигида бу тармоқ геологик мерос

²⁶Ахмедшаев А., Саипов Х. Глобальные геопарки Юнеско – Китабский государственный геологический заповедник. Моддий-маънавий мерос ва умумбашарий қадриятлар. Илмий мақолалар тўплами. Тошкент: Фан. 2016 - Б.187-195.

²⁷Государственный комитет республики Узбекистан по геологии и минеральным ресурсам. статья 27 марта 2005 г. //Uzgeolcom.uz

соҳасида мутахассислар ва амалиётчилар ўртасидаги ҳамкорлик ва алмашувларга асос бўлади²⁸.

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш мумкинки, Ўзбекистонда табиий шароитни асл ҳолича сақлаб қолиш ва уни муҳофаза қилиш ишлари Ўзбекистоннинг мустақиллик йилларидан бошлаб жадал олиб борилмоқда. Бу биринчи навбатда Ўзбекистоннинг давлат сиёсатини тўғри юритилиши билан изоҳланса, иккинчи навбатда мамлакатимизда яшовчи ўзбек халқининг она табиатни қадимдан ардоқлаб келишидадир. Бу ҳолат ҳатто халқимизнинг урф-одат ва анъаналарида ҳам яққол акс этиб туради.

Айниқса, Ўзбекистон мустақилликка эришгач табиатни асраш ва уни муҳофаза қилиш ишларини давлат сиёсати даражасига кўтарди. Бу борада кенг кўламли ислоҳотлар олиб бормоқда. Ўзбекистонда табиий шароитни асл ҳолича сақлаб қолиш ва уни муҳофаза қилиш борасида замонавий хориж тажрибаси асосида табиат ёдгорликларини музейлаштириш ишларини давлат сиёсати даражасига кўтариш зарур. Бу орқали турли экологик мавзудаги экскурсиялар ёрдамида маҳаллий аҳолида экологик қадриятни шакллантириш мумкин. Экомузейлаштириш асосида кенг кўламли ислоҳотлар олиб борилиши билан Китоб геологик кўрикхона ва унинг таркибидаги геологик музейнинг ривожланиш тарихини ёритиш замонавий музейшунослик соҳасида яна бир инновацион йўналиш табиат ёдгорликларини музейлаштириш ва кўчмас объект сифатида музейлаштириш интеграцияси имкониятларини кашф этади.

²⁸ Асқаров М. «Ўзбекистондаги кўрикхона ЮНЕСКО нинг геобоглар бутун жаҳон тармоғи гакиритилиши мумкин. 2016 й. – Б.24.

1.2. Замонавий музейшуносликда геологик кўриқхона музейи соҳасига доир ташкил этилган музейлар тажрибасини тадбиқ этиш масаласи

Замонавий бадиий жараён ва маданий ривожланиш босқичларида музей муҳим ижтимоий-сиёсий аҳамият касб этиб, маданий қатлам сферасини ўрганишда асосий манба ҳисобланади. Турли тарихий эволюцион давр ва маданиятни ўзлаштиришда, уни тарғиб этишда, оммага таништиришда табиат ва геология музейлари тизими жамият билан яхши бир алоқа воситаси вазифасини ўтайди. Музейлар илмий жиҳатдан ўзига хос тадрижий илмий жараёнлар ва уларнинг бадиий кўринишини аниқлайди ва тадқиқот объекти сифатида намойиш этади. Бугунги кунда шиддатли кечаётган иқтисодий босқичлар жараёнида музейлар фаолиятидаги янги лойиҳа ва тартибларни ўрганиб, тадқиқ этиш алоҳида аҳамият касб этмоқда²⁹. Маданият ва табиий ресурсларнинг ўзлаштириши индивидуал характердаги аниқ йўналиш ҳисобланиб, таълим, оммавий ахборот ва бошқа кўринишларда намоён бўлади. Ана шу фикрлар билан боғлиқ ҳолда француз олими А.Мол маданиятни “Эҳтиёжлар ривожига восита” сифатида эътироф этади³⁰. Маданият қобиғи ривожига турли жараёнлар инсоният кечинмаларини чуқур англаш орқали юзага келади, яъни маданий тарбия сифатида намоён бўлади. Табиий ихтиссосликдаги, жумладан геологик кўриқхона музейлар фаолияти йўналишларини ва уларнинг тараққиёти бир қисми бўлмиш, музей ишини ривожлантириш концепциясини ишлаб чиқиш долзарб масала бўлиб қолди.

Геологик кўриқхона музейининг фаолиятининг ривожини бир қатор омилларга боғлиқ. Биринчидан музей биноси ҳамда у жойлашган ҳудуд шаҳар марказида бўлиши ҳам унинг ривожига ижобий таъсир ўтказади. Шунингдек, музей экспозициясининг вақти-вақти билан янгиланиб туриши

²⁹ Воронцова Е.А. Музеи в системе науки (Текст)/ Е.А. Воронцова// Культурные миры: Материалы науч. конф. «Типология и типы культур: разнообразие подходов».- М.: 2001.- С. 210-218

³⁰ William Buckland "Geology and Mineralogy considered with reference to Natural Theology" Publication: London; William. Pickering. 1836. -P.96.

хам унга бўлган қизиқишни муҳим рол ўйнайди. Сабаби узоқ вақт давомида бир ҳил экспозицияни намойиш этиш ҳам томошабинни зериктиради. Агар экспонатлар ўзгартирилиб турилса, янгиликлар киритилса, бундан ташқари музей замирида турли тадбир ва семинарлар ташкиллаштирилса унга қизиқишни ортишига сабаб бўлади. Музейга бўлган қизиқишни ортиришни яна бир муҳим жиҳати унга ташриф буюрувчи турли ёшдаги одамларга мўлжалланган алоҳида махсус дастурларни яратиш лозим бўлади. Бу борада жаҳондаги баъзи кучли бешталиққа киритилган геология ва унинг таркибий бўлги сифатида қаралувчи геологик қўриқхона фаолиятига доир қўриқхона музейларни мисол қилиб келтириш мумкин.

Жаҳон тажрибасига мурожат қиладиган бўлсак, бутун дунёда материк ва қитъаларда мавжуд қўриқхона-музейларни мисол қилиб айта оламиз. Уларга:

1. “Парк Монрепос“ музей - қўриқхонаси³¹.
2. Африкада: Руаха³², Миср геология музейи³³, Няса, Селус қўриқхона музейлари³⁴;
2. Австралияда: Стерлинг Рейнж, Виктория катта чўли, Танами – Дезерт³⁵;
3. Жанубий Америкада: Исла- Гуайтека³⁶;
4. Хитойда: Геология музейи³⁷
5. Шимолий Америкада: Ноатак, Юкон Чарли, Ажал Водийси. Табиий тарих каби қўриқхона музейлари мисол бўла олади³⁸.

³¹ www.parkmonrepos.org; <https://ru.wikipedia.org/wiki/Монрепо>; <https://www.tripadvisor.ru/ShowUserReviews-g298511-Монрепо>; статья Александр Кольский «Они уничтожили память места: Эксперт - о том, погибли парк Монрепо»// [wikipedia.org/wiki/Монрепо](https://ru.wikipedia.org/wiki/Монрепо); Андрей Коломойского «Парк Уничтоженный государством» 06.01.2019г; «Живой музей» 2019г. В.В. Дмитриева «Бизнинг меросимиз».1989 йил № 2. - Б.149-158; Потапов, А. Музейный предмет и его эмоциональное восприятие // Мир музея. – 2004. – №10. – С. 18–20; “Монрепос ва дунёнинг романтик боғлари” 2007йил. – Б.34-37

³² <https://ru.wikipedia.org/wiki/Руаха>

³³ www.openarium.ru>Египет>Каир;<https://www.rutraveller.ru>;https://ru.wikipedia.org/wiki/Каирский_египетский_музей; www.TripEgipet.ru; статья Египетский геологический музей в Каире 07.10.2012г.

³⁴ <https://ru.wikipedia.org/wiki/Селус>; <https://tonkosti.ru.Селус>.

³⁵ <https://litresp.ru>.

³⁶ Geografiya.uz; <https://es.scribd.com>.

³⁷ [Геологический_музей_Китая/https://ru.wikipedia.org/wiki/](https://ru.wikipedia.org/wiki/Геологический_музей_Китая);<https://www.pinterest.com/russian.chineorg.cn/geo.web.ru>; Китайский геологический музей -Из сайта Международного радио Китая// https://ru.wikipedia.org/wiki/Geological_Museum_of_China_information_in_English Архивная копия от 3 августа 2008 на Wayback Machine - China's Museum's// https://ru.wikipedia.org/wiki/China's_Museum's

³⁸ www.metmuseum.org

“Парк Монрепос“ музей кўриқхонаси Санкт-Петербургда жойлашган музей кўриқхона сирасига кириб Россия Федерацияси Маданият Вазирлар кенгашининг 22 январ 1988 йилги 30-сонли тарихий меъморий ва табиий музей ташкил этиш тўғрисида қарори билан ташкил этилган бўлиб, шу йилнинг март ойида музей кўриқхонаси бошқармаси ташкил этилди. Унинг биринчи бошқарувчиси Игор Владимирович Лямин (1988-1996) ҳисобланади. 1988 йил июнда Ленинграддаги Леспроект корхонаси томонидан паркнинг плантацияларини сақлаш учун устувор терапевтик ва рекреацион тадбирлар лойиҳасини ишлаб чиқиш бошланди³⁹. 1989 йилдан бошлаб музей фондлари, илмий архив ва музей кўриқхонаси кутубхонаси тўпламлари бошланди. 1989 йил июн ойида биринчи кўргазма “Монрепос – кеча, бугун, эртага” музей-кўриқхонасида очилди⁴⁰. Худди шу йили собиқ совет даврининг Монроудо ҳақидаги нашрида пейзажшунослик ҳайкали сифатида биринчи бўлиб – музей кўриқхонасининг бош меъмори В.В. Дмитриева «Бизнинг меросимиз»⁴¹ журналида (1989 йил № 2.Б.149-158) бу ҳақида ўз фикрларини билдириб ўтди. 1990 йил феврал ойида паркнинг тарихий гидросистемасини тиклаш бўйича комплекс дизайн ва тадқиқот ишлари бошланди. 1990 йил май ойида Ленинград Ўрмончилик Академиясининг ходимлари паркнинг плантацияларини фитопатологик текширувдан ўтказишди. Ушбу текширув доктор Г.И. Зарудная томонидан бошқарган. 1990 йилда Финляндиядаги “Про Монрепос” уюшмаси (“Монрепос“) музей кўриқхонасининг узок муддатли ҳамкори сифатида танилди ва музей кўриқхона унинг номи билан аталди.

1992 йил сентябрда музей кўриқхонасининг кейинчалик анъанавий тадбирига айланган “Монребода кечки хона“ мусиқий фестивали ўтказилди⁴². Фестивалнинг мусиқий раҳбарлари А.Потапов ва В.Абрамян (Москва) фестивални Виборгнинг маданий ҳаётидаги энг муҳим йиллик

³⁹Потапов. А. Музейный предмет и его эмоциональное восприятие // М.: Мир музея. 2004.№10. – С.11.

⁴⁰www.parkmonrepos.org

⁴¹Дмитриева В.В. «Бизнинг меросимиз». 1989 йил № 2. - Б.149-158. //www.gazeta.uz.

⁴²<https://www.tripadvisor.ru/ShowUserReviews-g298511-Монрепос>.

тадбирлардан бирига айлантирдилар. 1992 йил октябр ойида атроф-муҳитни атрофлича ўрганиш ишлари якунланди ва музей-қўриқхонасида доктор Н.А. Нешатаев раҳбарлигида атроф-муҳит ҳолатини кузатиш методологияси ишлаб чиқилган. 1993 йилнинг ёзида, биринчи кўргазма “Маин Манор Ҳоусе” нинг ғарбий қанотида намоиш этилди⁴³. 1994 йилда Монрепосни тиклаш бўйича илмий-услубий семинар ўтказилди. 1995 йилда музей-қўриқхонасида “Монрепосни тиклаш муаммолари” II Халқаро симпозиум бўлиб ўтди. 1996 йилдан бошлаб музей қўриқхонаси директори Евгений Иванович Трофановдир. 1997 йил январ ойида Санкт-Петербургда жойлашган Россия Миллий кутубхонаси ва Музей қўриқхонаси коллекцияларидан “Монрепос маданий феномени” деб номланган кўргазма ўтказди. Логан маблағлари ҳисобидан музейи-қўриқхонада 1998-йилнинг март-апрел ойларида Вейборг музейи ва минтақавий тадқиқотлар асосида кўргазма намоиш этилди. 2001 йилда музей-қўриқхонага асосий дарвоза тарихий тош устунлар ўрнатиш тош девор қисман тиклаш ишлари олиб борилди⁴⁴. Бунга қўриқхона музейнинг асосий хомийси “Про Монрепос” билан Хитой Бридге уюшмаси ўз зиммасига олди. Яна шу лойиҳа асосида музей-қўриқхонанинг биноси янги омборхона билан жиҳозланди. 2001 йил май ойида Финляндия президенти Т. Ҳалонен музей қўриқхонага ташриф буюрди⁴⁵. 2003 йилда “Калевала” конференцияси ва Монрепос уюшмаси музей-қўриқхона худудининг ташқи чегараларини ўрнатиш ва таъминлаш бўйича ишларни якунлади. 2005 йил июн ойида Монтрепода “Пол Нисолай ва Замонавий дунё” халқаро семинари бўлиб ўтди. 2006 йилда музей-қўриқхонада “Бизга ва унинг авлодларига буйруқ” мавзусида халқаро конференция бўлиб ўтди. Монрепос ва Д.С. Ликҳачев (ДС Ликҳачев 100 йиллиги), Вейборг ва Финляндия “Халқаро Плеин Аир”да “Мон Репос” манзаралари акс этган картиналарни ва фотоқўргазмаси намоиш этилди⁴⁶.

⁴³Потапов А. Музейный предмет и его эмоциональное восприятие // Мир музея. 2004.№10. - С.18–20.

⁴⁴<https://ru.wikipedia.org/wiki/Монрепо>.

⁴⁵www.parkmonrepos.org

⁴⁶www.metmuseum.org

Шу кўрғазмадан сўнг музей-кўриқхона номи кўпгина журнал муковаларида чоп этилди. Москвалик машхур журналистлардан бири Соколова ушбу музей-кўриқхона хусусида “Монрепос ва дунёнинг романтик боғлари” номли мақола чоп эттирди. 2007 йил июн ойида, Мон Репос тикланди ҳайкал (- КН Бобков реконструкция муаллифи) расмий очилиш маросими бўлиб ўтди. 2008 йил май ойида, ландшафт дизайни устида Мон Репос Халқаро семинар: “Нептун уйи павилони мисолида”, “Парк тарихий манзарасини қайта тиклаш муаммолари” номли Халқаро семинар бўлиб ўтди. Музеи «Мон Репос Парк» 1988 йилда ташкил этилган ва деярли ярим аср ўз эгаларига қолдирган (Баронс Нисола мулки) меросни сақлаб келмоқда. Кейинчалик «Мон Репос» музей-кўриқхонасига. 2013 йил бошидан бошлаб музей кўриқхонасида 5692 та экспонатлари мавжуд (асосий фонд – 2326 та). Кўпчилик Россия ва Финляндия фуқаролар маданий кадриятлар сифатида музейларни асраш кераклиги ва улар учун бир совға эканлиги таъкидлашади⁴⁷.

Улар орасида 1920 йилда “Мон Репос” музей-кўриқхонасида ишлаган фотограф Кхудова Трофим⁴⁸ ҳам бор. Энг қизиқарлиси музей-кўриқхона таркибида табиат ноёбликлари билан бирга ички қисмда ноёб китоблар коллекциялари ва фонди ҳам мавжуд. Бунинг асосий сабаби бу ҳудуд, мулк аввал Барон Николага тегишли бўлиб, у ўз уйида йирик кутубхона ташкил этган. Фондни тўлдирганда, Николай баронлари кутубхонасида тақдим этилган нашрларнинг аналогларига алоҳида эътибор берилмоқда. Кейинчалик XX асрда Хелсинки университети эгаларига топширилган бу китоблар тўплами 9000 дан ортиқ жилдларда беш мингдан зиёд нашрларга эга. Аммо ҳозирда ҳам музей кўриқхонаси захирасида 700 дан ортиқ китоблар мавжуд. Бундан ташқари, музей коллекцияси тақдим этган адабиётлар бир вақтлар Барон Никола томонидан мутолаа қилинган санъат тарихи, Россия ва Финляндия тарихи қадимий китоблар, шунингдек, Мон Репос ва унинг эгаларига кундалик ҳам сақланган. Музей коллекцияларининг

⁴⁷www.parkmonrepos.org

⁴⁸<https://ru.wikipedia.org/wiki/Монрепо>

катта қисми Монрепос мулкининг тарихини эмас, балки музей-кўриқхонасининг 25 йилдан ортиқ тарихини ифодаловчи ҳужжатли материаллар⁴⁹.

Табиий тарих миллий музейи Вашингтонда жойлашган бўлиб, минералларнинг энг катта коллекцияси саналади. Табиий тарих миллий музейи (ТТММ) дунёдаги этакчи музей ва тадқиқот мажмуаси ҳисобланган Смицон институтининг бир қисми ҳисобланади⁵⁰.

1910 йилда иш бошлаган музей илмий-тадқиқот муассасаларининг миллий коллекцияларини сақлашга мўлжалланган эди. ТТММ минералларни хусусий коллекциялардан сотиб олиш орқали ўз жамғармасини бойитиб борган. 200 йил давомида тўпланган Колумбия университетининг минерал тошлар коллекцияси 1980 йилда музей раҳбарияти томонидан сотиб олинади. Мазкур коллекция 40 мингдан ортиқ минералларни ўз ичига олган. Коллекциядан ўрин олган минераллар дунёнинг деярли барча бурчакларидан келтирилган ва катта илмий аҳамиятга эга. Ҳозирги вақтда музей коллекциясидан 100 мингдан ортиқ минераллар ва 3700 та қимматбаҳо тошлар ўрин олган.

Австралияда Виктория катта чўли мазкур худуднинг учдан бир қисмини ташкил этиб, кўриқхона музей бутунлай табиат ноёблиги ҳам ҳисобланади⁵¹. Гарчи чўл худудида жойлашган бўлсада, Музей кўриқхона ўзининг табиат ноёбликлари ва геологик экспонатлари билан ҳозирга қадар томошабинларни ўзига жалб қилиб турмоқда⁵².

Миср Геология музейи. Музейга 1896 йил асос солинган бўлсада, кенг омма учун 1904 йилдан бошлаб фаолият олиб боради⁵³. Унда сақланаётган экспонатлар Миср мамлакати геологиясининг ривожланиш жараёнларини, фауна ва флора дунёсининг ўзига хос жиҳатларини, минериал ва қимматбаҳо

⁴⁹<https://www.tripadvisor.ru/ShowUserReviews-g298511-Монрепос>.

⁵⁰Parker, Lonnae O'Neal. "Smithsonian Names New Director of Natural History Museum." *Washington Post*. July 26, 2012; Zongker, Brett. "Smithsonian Picks Paleontologist to Lead DC Museum." *Associated Press*. July 26, 2012.

⁵¹Hilary Bauremen, Henry William Bristow, Andrew Ramsay "A descriptive catalogue of the rock specimens in the Museum of Practical Geology". New York.: 2016. - P.167.

⁵²<https://litresp.ru>.

⁵³www.metmuseum.org

тошлари ноёб кўринишларини акс эттиради. Мисрликлар металл ва тошлар йиғиш ва уларни ўрганиш бўйича кашфиётчи саналиб, улар биринчи бўлиб олтин ва мисни қумлик ва саҳрои кабирдан топишган. Шунинг учун ушбу миллатнинг ўз миллий ғурури саналган кашфиётларини кўз қорачиғидай асраб авайлашига ажабланмаса ҳам бўлади.

Музей экспонатлари орасида умуртқали, умуртқасиз жониворлар, минериаллар, метиоритлар бутун дунёдаги олимлар, музейшунослар ҳамда музей ихлосмандларини ҳали хануз қизиқтириб келмоқда. Экспонатлар учта галереяда намойишга қўйилган.

Улардан биринчиси А - Галерея икки қисмга бўлинган бўлиб, Минериаллар ва Қоялар зали деб ном олган. Минериаллар залида турли хилдаги бир бирини такрорламайдиган минериаллар, Қоялар залида турли катта кичик ҳажмдаги тошлар таркибига кўра ажратилган ҳолда экспозициядан жой олган. Улар орасида Миср ва дунёнинг бошқа кўплаб мамлакатларидан олиб келтирилган метеоритлар ўзига ҳослиги билан ажралиб туради. Метеоритлар ичида дунёга машҳур бўлган Марсдан топилган “Наклите”⁵⁴ деб номланувчи метеорит ҳам намойишга қўйилган.

Иккинчи Б - галереяда умуртқали, умуртқасиз жониворлар экспозицияга қўйилган.

Учинчи С - галереяда Фаюм вилоятидан топилган машҳур тошга айланган умуртқалилар топилмалари намойишга қўйилган⁵⁵.

Музей ҳудудида минералогия, палентология, петрология соҳасида иш олиб борадиган лабаратория фаолият юритади. Шунингдек музейда олимлар ҳамда жамоат учун мўлжалланган музей шахсий кутубхонаси ҳам жойлашган. Кутубхона фондида 10000 дан ортиқ кўлёмалар сақланади⁵⁶. Бу

⁵⁴Preiman, A.H., "The nakhlite meteorites: Augite-rich igneous rocks from Mars".London: - Chemie der Erde 65, - p. 203-270.

⁵⁵Шопўлатова Ф.Ф. Геология музейи фаолияти. БМИ. (Камоллиддин Бехзод номидаги Миллий рассамлик ва Дизайн институти Музейшунослик кафедрасида бажарилган) Т.: 2017.

⁵⁶https://ru.wikipedia.org/wiki/Геологический_музей_Китая; <https://www.pinterest.com/russian.chineorg.cn/>; <http://geo.web.ru/>; Китайский геологический музей.//<https://www.radiointernational.com/> Международного радио Китая.

ерда Фоссилен (1836), Агасси (1847), Накада ва Бетрие (1895) каби муаллифларга тегишли ноёб асарлар кутубхонанинг бой меросидир⁵⁷.

Музейда болалар ва катта ёшдаги аудитория учун махсус мўлжаллаган экскурсиялар музей ходимлари, экскурсоводлар томонидан аудитория ёшидан келиб чиқган ҳолда ташкил этилади.

В.И. Вернадской номидаги Россия Давлат Геология музейи - жаҳондаги энг машҳур музейлардан бири саналади. Мазкур музей яратилишига 1759 йилда Прокофий, Григорий ва Никита Демидовларнинг музейга 6000 га яқин геологик минераллардан иборат ноёб экспонатларни совға қилиниши сабаб бўлган⁵⁸.

Ушбу коллекциялар 1740 йилларда уларнинг отаси Акинфий Демидов томонидан Машҳур кимёгар И.Ф.Генкелдан сотиб олинган. Шу асосида музей фонди тахминан 250 йил мобайнида йилдан-йилга бойиб борган⁵⁹.

Музей биноси тахминан 100 йил аввал қурилган. Унга қадар музей коллекцияси Москва Қироллик Университетининг Менералогия бўлими кутубхонасига жойлаштирилган. 1907 йилда Профессор А.П.Павлов ҳамда В. И. Вернадский ташаббуслари асосида махсус Менералогия ва Геология институти (музей ва кутубхонаси билан) учун бино барпо этилади. Бино қурилишига профессорлар машҳур музейлар тажрибасига таянадилар. Янги бинода музей иккига А.П.Павлов томонидан бошқарилган Менералогия ҳамда М.П.Павлова томонидан бошқарилган Палентология музейига бўлинади. Палентология музейи кенг оммага 1922 йилдан очилган бўлса, Менералогия 1924 йилдан очилади⁶⁰.

1987 йилда 1 декабрда В. И. Вернадский таваллудининг 125 йиллиги муносабати билан Палентология ҳамда Менералогия музейи бирлаштирилиб, В. И. Вернадский номидаги Давлат Геология номи билан юритилади. 1994

⁵⁷ tripegypt.ru/content/egipetskii-geologicheskii-muzei-v-kaire

⁵⁸ www.metmuseum.org

⁵⁹ Geological Museum of China information in English Архивная копия от 3 августа 2008 на Wayback Machine — China's Museums./https: China's Museums.

⁶⁰ Чумаков В. Ю. Демидовы. Пять поколений металлургов России. – М.: ЗАО «Бизнеском». – 2011. – С.131. – (серия «Великие российские предприниматели», том 2).

йида музейда биринчи ”Минераллар дунёси” деб номланган доимий экспозиция очилади. Шундан сўнг музейда йиллар давомида бир-биридан кизиқарли бўлган 1996 йилда “Ер ва унинг геофераси”, “Космосда ер”; 1997 йилда “Тарихий коллекциялар”; 2000 йилда “Геологияга оид кунскамера” каби экспозициялар намоиши йўлга қўйилган. Шунингдек музей кўчма кўрғазмалар ҳам ўтказди. Бунга “Россия Академияси олимларининг 275 йиллиги” (1999 йил), “Россия тоғ- кон қазилма ишларининг 300 йиллиги” (2000 йил) каби кўрғазмаларни мисол келтириш мумкин⁶¹.

Музей коллекцияси чет эл мамлакатлари Голландия, Греция, Италия, Польшада намоиш этилган. 2002 йилдан 2008 йилгача музей профессор Г.В. Калабин 2010 йилдан 2015 йилгача Академик Ю.Н. Малишев томонидан бошқарилган. Академик Ю.Н. Малишев музей биноси ҳамда экспозиция заллари, витриналарни қайта таъмирлатиб, доимий экспозицияларга кўшимча элементлар киритган. Музейда болалар аудиториясига эътибор қаратиб, “Демидова” кафедрасига асос солган. 2015 йилдан музейни С.В. Черкасов бошқариб келмоқда. Музей 1998 йилдан бошлаб музей коллекцияларини ўрганиш жараёнларини акс эттирувчи “Новитатес-ВМ” журналининг нашри этиб келмоқда. Музейда барча ёшдаги музей ихлосмандлари учун экскурсиялар олиб борилади. Катта ёшдагилар учун 1 соатдан иборат бўлган минераллар, тоғ-кон қазилма ишлари, геология соҳасига оид долзарб муаммоларга бағишланган экскурсиялар йўлга қўйилган.

“Планеталар узра саёҳат” деб номланувчи экскурсия 7 ёшдан-10 ёшгача бўлган болалар учун мўлжалланган бўлиб, экскурсия давомида планеталарнинг ташкил топиш жараёнлари, Ерда миллион йил аввал шаклланган ҳайвон ва ўсимликлар, минераллар, фойдали қазилмалар тўғрисида батафсил маълумот берилади.

“Инсон қандай қилиб тош билан танишган” деб номланган экскурсия ҳам 7 ёшдан 10 ёшгача бўлган болалар учун мўлжалланган бўлиб,

⁶¹[https://china'smuseums](https://china'smuseums.com/)

инсоннинг тошлар билан қай тарзда танишгани аниқроғи тош даври ҳақида қизиқарли маълумот берилади. “Ер сайёраси” экскурсияси 11 ёшдан ошган болалар аудиториясига ўз ичига қамраб олган. Экскурсия 1 соат давом этиб, ер сайёрасининг пайдо бўлиши, литосфера, гидросфера, биосфера, атмосферанинг ахамиятли жиҳатлари ҳусусида сўз олиб борилади.

“Минераллар дунёси” экскурсияси 12 ёшдаги болалар учун мўлжалланган бўлиб, минералларнинг пайдо бўлиши, уларнинг таркибий тuzилиши, инсон ҳаётидаги ўрни ҳақида маълумот беради⁶².

“Геологияга оид кунскамера” экскурсияси 14 ёшдаги ўсмирлар учун мўлжалланган бўлиб, инсоннинг табиат, ноодатий геологик объектлар билан танишувиغا бағишланган.

“XIX-XXI аср музей фондидаги тарихий коллекциялар” экскурсияси 14 ёшдагилар учун музей фондидаги коллекцияларнинг қай йўсинда тўпланиши, унинг ташкил этилишига ўз ҳиссасини қўшган машҳур олимлар, коллекционерлар ҳақида маълумот берилади.

Шунингдек музейда 7 ёшгача бўлган болаларга бағишланган “Академия шахтаси” деб номланган қизиқарли ўйин шаклидаги экскурсия ҳам ташкил этилган. Бугунги кунда музей фондида қазилмалар натижасида топилган турли хил минераллар (тахминан 1100 га яқин), умуртқали ва умуртқасиз жониворлар, ўсимликлар, тош, метеорит қолдиқлари билан бир қаторда қўлёмалар ҳам сақланади.

Хитойдаги Геология музейи Хитойдаги геологик-қўриқхона музейи нафақат Хитой балки бутун Осиёдаги йирик музейлардан биридир⁶³. Музей Пекин шаҳри марказида Сичен вилоятида жойлашган. Унинг майдони 11 минг квадрат метрдан иборат.

Музей уч функцияда: классик (антик давр) коллекцияларни тўплаш, илмий тадқиқотлар олиб бориш ҳамда ижтимоий таълим тарбия маскани сифатида фаолият олиб боради. Мазкур музей ривожланиш тарихи 1916

⁶² Шопўлатова Ф.Ф. Геология музейи фаолияти. БМИ. (Камоллиддин Бехзод номидаги Миллий рассомлик ва дизайн институти.Музейшунослик кафедрасида бажарилган) Т.: 2017.

⁶³ www.metmuseum.org

йилда бир хонадан иборат кўрғазмалар залида экспозиция қўйилганидан бошланган бўлса, ҳозирги кунда ушбу заллар бештани ташкил этади⁶⁴. Шунингдек музейда иккита кўчма кўрғазма заллари мавжуд.

Музей экспонатлари 200 мингдан ортиқ. Музейдаги ноёб экспонатлар:

- Шандун аждарҳоси - динозавр турларидан бири бўлиб, дунёдаги энг баланд ва яхши сақланиб қолган динозаврдир;
- Хитойда яшовчи аждарҳо қушларнинг энг камёб турлари;
- Шандинг ғоридан топилган қадимги инсонлар ва улар фойдаланган уй-рўзғор буюмлари;
- Юанму қабиласига мансуб инсонлар тишлари ва бошқалар.

Минерал ресурслар залида турли хилдаги кимё саноати, қишлоқ хўжалиги соҳасида қўлланиладиган кўплаб минералларни учратиш мумкин. Ер сайёраси залида ер пайдо бўлганидан токи ҳозирги жараёнгача ерда тирик оламнинг ривожланиш босқичларидан иборат экспонатлар ўрин олган. Шу билан бир қаторда ушбу залда турли даврларда яшаб ўтган қадимги ҳайвон, минерал, ўсимликлар қолдиқларини учратиш мумкин.

Қимматбаҳо тошлар зали экспозиция мавзусига кўра иккига бўлинади. Биринчи залида Хитой нефритлари, иккинчи залида рубин, сапфир, аквамарин ва хризолит каби бир - биридан ноёб тошлар безаб турибди. Ушбу залдаги кўзга кўринган ноёб экспонатлар орасида жаҳондаги энг йирик оғирлиги 3,5 тонна келадиган биллур тоши алоҳида ажралиб туради. Биология залида тошга айланган Шандун динозаври деб ном олган динозавр - ўрдакбурунни кўриш мумкин. Унинг баландлиги - 8 метр, узунлиги 15 метр. Илк бор 1988 йилда экспозицияга қўйилган. Кўрғазма 74 кун давом этиб, 500 миллиондан ортиқ музей ихлосмандларини жалб этган.

Хитой Геология музейи нафақат билим, маълумот берадиган балки илмий функция бажарадиган мақсадда ҳам фаолият юритади. Музей ноодатий лабораторияси билан машҳур саналиб, Ляонин вилоятидан топилган қадимги

⁶⁴Geological Museum of China information in English Архивная копия от 3 августа 2008 на Wayback Machine — China's Museums. //https: China's Museums.

кушлар топилмаларини ўргангани орқали дунёга ном таратган. Ҳозирда музей Америка ва Британия музейлари билан ҳамкорликда ибтидоий даврда яшаган кушлар тўғрисида илмий изланишлар олиб боришмоқда.

Венадаги табиий тарих музейи 200 миллиондан ортиқ экспонатларни жамлаган. Музейнинг майдони - 8700 м². Айрим экспонатлар 25 000 йиллик тарихга эга. Музей 1889 йилда иш бошлаган. Музейда минералогия бўлими ҳам ташкил этилган, бўлиб, у ерда метеоритларнинг дунёдаги энг катта коллекцияси (1100 дан ортиқ) сақланади. Шунингдек, оғирлиги 117 килограмм бўлган топаз ва ёши 25 минг йилга тенг бўлган «Виллендорф Венераси» ҳайкалчаси ҳам ўрин олган. Музейда «Княгиня» деб ном олган 300 килограммлик метеоритни ҳам кўриш мумкин. Бу метеорит 1866 йилда Закарпатгега тушган⁶⁵.

Минераллар коллекцияси тўртта зални эгаллаган. Унда Зальцбург шахри яқинидаги шахтадан топилган 500 кг галит, арагонит, родохрозит, кварс, аквамарин, турмалин, берилл каби тошларини учратиш мумкин.

Юқоридаги жаҳон музейлари фаолиятидан кузатиш мумкинки, музейларнинг ўзига хос илмий оммавий ва тарбиявий шакллари - экспозиция, кўргазмалар ҳисобланади. Музей катта илмий тадқиқий ва тарбиявий ишларни олиб боради: тўпламларни бутлайди ва ўрганади; илмий хужжатларни тайёрлайди, музей ашёларини сақлаш ва таъмирлаш тартибини яратади, монография, каталог, йўл - кўрсаткичлар нашр этади; замонавий музейшунослик ишлаб чиққан илмий усул ва методология асосида экспозицияларда илмий ташвиқотлар олиб боради. Томошабинлар билан ишлашнинг энг муҳим шакли бу табиийки экскурсиядир.

Бугунги музейшунослик тез ривожланиб бораётган соҳа ҳисобланади. Замонавий музейлар бугунги жамиятни ажралмас қисмига айланган. Музей нафақат нодир, қадимий буюмларни сақлабгина қолмай, балки замон билан ҳамнафас равишда ривожланиб бораётган турли замонавий жараён, тенденцияларни ўзида акс эттираётган жамиятнинг асосий структурасига

⁶⁵ www.metmuseum.org

айланмоқда. Замонавий музейлар нафақат тарих кўзгуси, шу билан бир каторда билим, тарбия маскани ҳисобланади⁶⁶.

Шу ўринда Ўзбекистон Геологик қўриқхона музейи ҳам Ўзбекистоннинг бой табиий ресурсларини ўзида жамлаб, тарбия маскани сифатида уларни келажак авлодга етказиб беришда ўз ҳиссасини қўшиб келмоқда. Музей халқаро мақомига ҳам эга. Кўргазмага тоғ маъданлари ва минераллар Ўзбекистондаги мавжуд ва фаолият олиб бораётган конларнинг эталон коллекциялари, қўриқхонанинг ноёб ёдгорликлари қўйилган. Турли давлатлардан келган иқтисодчилар, сармоядорлар, сиёсий арбоблар дастлаб геологик қўриқхона музейини кўриб, Ўзбекистон салоҳиятини ва қандай катта бойликка эга эканлигини ўз кўзлари билан кўрадilar. Келтирилган топилмалар табиатда учрайдиган тоғ жинслари, минераллар, ноёб топилмалар, табиат дурдоналари ҳисобланган.

Бу ерга шунингдек, мактаб ўқувчилари ҳамда соҳага яқин олий ўқув юртлири талабалари ўз билимларини ошириб келмоқдалар. Бундан ташқари, хорижлик меҳмонлар юртимизда геология соҳасида эришилган муваффақиятлар, табиий ресурслар ва олиб борилаётган янгиликлар билан яқиндан танишиш имкониятига эга бўлмоқдалар.

Музейнинг ўзига хос томонларидан яна бири шундан иборатки, экскурсаводлар музейга ташриф буюрган қизиқувчиларга керакли билим ва маълумотларни етказиб берадилар. Музейга келаётганлар орасида боғча ёшидаги болалар, мактаб ўқувчилари, талабалар, оилавий келувчилар, турли корхона ва ташкилотлардан ташриф буюрувчилар экскурсаводлар томонидан инобатга олиниб, уларга ернинг пайдо бўлишидан то ҳозирги вақтгача бўлган оралик ҳодисалар, фойдали қазилмалар ва минераллар хом ашё турлари турли мамлакатлар конларидан олинган ноёб геологик намуналар, қадимда яшаган динозаврлар, ҳайвонот ва ўсимлик дунёси ҳақида сўзлаб берадилар.

⁶⁶ Шопўлатова Ф.Ф. Геология музейи фаолияти. БМИ. (Камоллиддин Бехзод номидаги Миллий рассомлик ва дизайн институти.Музейшунослик кафедрасида бажарилган) Т.: 2017.

Хулоса қилиб айтганда, замонавий музейшуносликда хорижий мамлакатларда фаолият юритаётган геологик кўрикхона музейи соҳасидаги музейлар тажрибаси тадбиқ этиш орқали Ўзбекистондаги геологик кўрикхона музейлар фаолиятида ҳам қўллаш мумкин. Замонавий технологиялардан фойдаланган ҳолда ноёб геологик мерос экспозицияларининг намоиш этилиши зарур. Шу билан бирга Китоб геологик кўрикхона музейи ўз фаолиятини хорижий мамлакатлар геологик кўрикхона музейлар билан ўзаро ҳамкорлик алоқаларини ўрнатиши мақсадга мувофиқ. Бу эса музейга ташриф буюрувчилар оқимини янада ошиши ва музейнинг жаҳон экомuseumлар тармоғига киришга ёрдам беради.

II БОБ. ГЕОЛОГИК ҚЎРИҚХОНА МУЗЕЙИНИНГ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ АСОСЛАРИ

2.1 Китоб Давлат Геология қўриқхонаси музейи экспозицияси ва экспонатлари хусусида маълумот

Китоб Давлат геологик қўриқхонаси Зинзилбоғ кесмасида жойлашган дунё миқёсидаги стратиграфик эталон – Кемс ярусининг қуйи чегараси стандарти ёки глобал стратотип чегарасининг таянч нуқтаси эгаси ва сақловчиси ҳисобланади. Ушбу стратотип 1989 йилда девон стратиграфияси Халқаро Комиссияси томонидан танлаб олинган ва 1996 йилда Халқаро Геологик билимлар иттифоқида тасдиқланган⁶⁷. Табиатда учрайдиган тоғ жинслари, минераллар, ноёб топилмалар, табиат дурдоналари шу залда қўйилган. Менделеев даврий системасидаги барча элементларни ўзида мужассам этган бу тоғ жинслари геологлар қидирув ишлари давомида тўплаган топилмаларидир. Бу минераллар нафақат Ўзбекистон, балки Марказий Осиёнинг турли худудларидаги кўплаб конлардан тўпланган ноёб минерал ва тоғ жинслари намуналаридир. Шунингдек, бу ерда дунёнинг турли мамлакатларидан келтирилган ноёб минераллар ҳам бор. Минераллар халқ хўжалигининг турли тармоқларида, металлургияда, кимё саноатида, керамикада, тиббиётда, оптикада, заргарликда ва турли соҳаларида ишлатилади. Музей юртимизнинг бой табиий ресурсларини ўзида жамлаб келмоқда.

Қўриқхона худудида палеозой эрасининг юқори ордовикдан, қуйи карбон давригача бўлган вақт оралиғидаги денгиз остида ҳосил бўлган қатламлари сақланиб қолган. Улар орасида ўша қадимги даврда яшаган ҳайвон ва ўсимликларнинг тош қотган қолдиқлари кўплаб учрайди⁶⁸. Олимларимизнинг кўпйиллик изланишлари натижасида бу қатламларнинг ёши 460 млн бўлиб, 100 млн йиллик заминимизнинг қадимги экологияси ва

⁶⁷ <https://cartogiraffe.com/O'zbekiston-qashqadaryo-viloyat.2003.y>.

⁶⁸ kitob-dgq.uz/uz/qo'riqxona-haqida.

иклим шароитини аниқлашга имкон беради⁶⁹. Қўриқхонада 800 тага яқин ўсимлик тури ҳамда 136 ҳайвонот турлари қайд этилган бўлиб, 22 тур ўсимлик ва 13 та ҳайвон турлари Ўзбекистон Республикасининг йўқолиб кетаётган, нодир ўсимликлари сифатида “Қизил китоб”га киритилган⁷⁰. Қўриқхонада охириги 2005 йилда ўтказилган “Ўрмон лойиҳалаш” ишлари натижасига кўра ўрмон билан қопланган майдонлар 1160 га ни ташкил этиб, йилига 26 га кўпайиши кузатилмоқда⁷¹. Қўриқхона офиси Шаҳрисабз шаҳрида жойлашган бўлиб, бу ерда ҳамда Тошкент шаҳридаги давлат Геология музейида, қўриқхонанинг алоҳида хонасида палеонтологик, ҳозирги замон ҳайвонлари ва ўсимликлари экспонатлари жойлаштирилган. Қўриқхонада дала базаси Хўжақўргон сойи этагида жойлашган бўлиб, бу ерда 80 кишилик мажлислар зали, ишчи хоналар, кимёвий ва фотолабароториялар, палеантология ҳамда биология музейлари мавжуд ҳамда 40 кишилик 2 та меҳмонхона ошхона ва коттеджлар жойлашган⁷². Қўриқхона ҳудудида палеозой эрасининг юқори ордовикдан карбон давригача бўлган денгиз чўкинди ётқизиқлари тектоник жараёнлар натижасида ер юзасига чиқиб қолган бўлиб, ётқизиқларнинг қалинлиги 4130 метрдан иборат. Ушбу ётқизиқлар 370-470 млн йил олдин ҳосил бўлган ва ўзида денгиз ҳавзасида яшаган қадимги денгиз жониворларининг ноёб қолдиқларини жуда яхши сақлаб қолган.

Юқори ордовик-карбон геологик даврида бутун жанубий-ғарбий Зарафшон, Ҳисор, шунингдек Китоб қўриқхонаси ҳудуди 100-120 млн. йил вақт мобайнида денгиз остида бўлган ва бу ерларда денгиз жониворлари ва ўсимликлари яшаган. Денгиз сувлари шўр, илиқ ва етарлича тиниқ бўлган. Улар планктон микроорганизмлари, асосан детрит, денгиз ўсимликлари, ҳар хил ҳайвонларнинг тухумлари ва личинкалари билан озиқланган.

⁶⁹ The article SE «The Kitab State Geological Reserve».18 Sep 2016. – 557.p.

⁷⁰ Китоб Геология Қўриқхона музейининг жорий архивидан олинган йиллик ҳисоботи. №7.2018. - Б.54.

⁷¹ <https://meros.uz/en/object/kitab-davlat-geologiya-qo'riqxonasi/> 2008. - В.5.

⁷² <https://cartogiraffe.com/O'zbekiston-qashqadaryo-viloyat..>

Қадимги ҳайвон қолдиқларининг кўплиги ва турли хиллари мавжудлиги қўриқхона кесмаларини Ўрта Осиё ҳудудидаги кесмалар билан бир қаторда Фарбий Европа, Урал, Сибир, Хитой, Канада, Австралия каби ҳудудлардаги кесмалар билан ҳам таққослаш имкониятини беради.

Қўриқхонанинг тирик табиат олами жуда бой ва хилма-хил. Уларни сақлаш ва ўрганиш биологларнинг асосий вазифасидир. Бу ерда ўсимликларнинг 800 турга яқини маълум бўлиб, уларнинг 19 таси Ўзбекистон қизил китобига киритилган. Шунингдек ҳайвонот олами 168 тур умурткали ҳайвонлардан иборат бўлиб, улардан 13 тури Ўзбекистон қизил китобига киритилган⁷³.

2017 йилда қўриқхонанинг умумий йўналиш ишларида иккита лойиҳа бўйича иш олиб борган:

1-лойиҳа “Чўкинди йиғилиши палеогеографик ҳолатини ўрганиш, Китоб Давлат геологик-қўриқхонаси ва унга туташ бўлган ҳудудларда девон ва қуйи карбон учун 1:10000 масштабни палеогеографик хариталар тузиш” бўйича ҳамма дала ишлари тугалланиб 2018-йил IV-чорагида ҳисобот тўлиқ тайёр қилиниб, ЎзДавгеолқўм кўриб чиқиш учун топширилади.

2-лойиҳа ҳам “Китоб Давлат геологик қўриқхонаси ва унга туташ бўлган ҳудудлардаги палеозой эрасининг ордовик, силур, девон даври стратиграфияси учун аҳамиятли бўлган органик қолдиқларига эга, таянч кесмаларни ҳисоблаш ва уларни ўрганиб рўйхатга олиш. “Табиат солномаси”ни 2016-2020 йилларда юритиш” бўйича ҳамма дала ишлари давом эттирилмоқда⁷⁴.

Қўриқхонада “Табиатни муҳофаза қилиш”, “Муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар тўғрисида”ги конун талабларини бажарилиши ва Давлат қўриқхонаси тартибига риоя қилиш ишлари кучайтирилди. Бу соҳада 5 та

⁷³Ахмедшаев А.Саипов Х. Глобальные геопарки Юнеско – Китабский государственный геологический заповедник. Моддий-маънавий мерос ва умумбашарий қадриятлар. Илмий мақолалар тўплами. - Б.74-78.

⁷⁴Китоб Геология Қўриқхона музейи 2017 йил учун ҳисоботи. Музей қўриқхона жорий архиви. - Б.18.

назоратчи, мавсумда 2 та ёнғин назоратчиси, муҳофаза бўйича 7 киши фаолият олиб борди. Натижада 6 та қонунбузарлик аниқланди⁷⁵.

- Қўриқхона сарҳадининг бошланиш нуқтаси “Уширак” сой ирмоғининг чап томонидаги бошланиш булоғидан жанубий – ғарб йўналиш сой бўйлаб 1525 метр юқорига сув айирғичгача. Шу нуқтадан (сув айирғичдан) шимолий – ғарбга қараб сув айирғич бўйлаб 1650 метр “Қоровулхона” тоғи баландлиги орқали тоғ йўли бўлиниш нуқтасигача. Тоғ йўли бўлиниш нуқтасидан ғарб – шимол – ғарбга қараб 1125 метр тоғ йўлаги бўйлаб “Сангитовар” тоғининг шимолий тепасигача (чўққисигача) ва жанубий – ғарб йўналиш бўйлаб 1500 метр “Сангитовар” тоғининг қирралари бўйлаб то “Қушнова” сойигача (жилғасига) ва жанубий – ғарб бўйлаб “Қушнова” сойининг чап томон борти юқорисидан 330 метр довонгача⁷⁶. (седловена “Қуруқсой” дан “Новобак”ка ўтадиган йўл.)

- Довондан д.с.б. 1983,3 метр баландликдан жанубий – ғарбга қараб “Қуруқсой” дан 650 метр “Новобак” сойи сувигача ва шу нуқтадан тоғ йўлаги бўйлаб “Зинзилбон” нинг қуруқ сойигача. Қуруқсой” дан шимолий – ғарбга қараб 375 метр йўлак орқали юқори сув айирғич бўйлаб довон эгаргача (сув айирғич “Обиё-Зинзилбон” д.с.б 1620,5 метр.) Довон эгардан шимолий – ғарбга қараб 1000 метр д.с.б 1620,5 метр ва шу сув айирғич бўйлаб д.с.б 1525,5 метр то Жиннидарёгача. Дарёдан йўл бўйлаб ғарбга 300 метр дарёнинг ўнг қирғоғи шимолдан (Баня) жанубий – шарққа қараб 300 метр д.с.б 1415,5 метр баландликкача⁷⁷. Шу баландликдан жануб – жанубий – ғарб “Обиё” сойининг кун ботиш қиррасидан 1255 метр сув айирғич бўйлаб тоғ чуққилари чиқиб қолган ергача д.с.б 1850,9 метр ва шу нуқтадан ғарбга – жанубий – ғарбга 1150 метр то “Обисафит” сойининг ўнг томонидаги бугорларгача;

- Тошли бугорлардан шимолий – ғарбга қараб 375 метр Обисафит сойи сувигача ва сойдан (кардон олди) геологик кесмалардан жанубий – ғарбга

⁷⁵<https://meros.uz/en/object/kitab-davlat-geologiya-qo'riqxonasi>.

⁷⁶ Baratov P. O'zbekiston tabiiy geografiyasi. – Т.: O'qituvchi, 1993. – В.76.

⁷⁷ Китоб Геология Қўриқхона музейи 2015 йил учун хисоботи. Музей кўриқхона жорий архиви. – Б.23.

қараб д.с.б 1548,8 метр Обисафитнинг чап томон сув айирғич бўйлаб 5987 метр охиригача юрилади ва жануб томондан Шахриомон давоми орқали “Сумсар” тоғининг баландлиги сув айирғич бўйлаб 4105 метр, шунингдек жанубдан “Қоратоғ”нинг баландлиги сув айирғич бўйлаб 975 метр Китоб Давлат ўрмон хўжалиги ва 2625 метр Жовуз ўрмон хўжалиги билан чегараланади.

- “Қоратоғ” тугагандан сўнг ғарб томондан “Хушнова” сойининг юқори қисми сув айирғич бўйлаб 966 метр ва шу сойлик бўйлаб Жовуз ўрмон хўжалиги сарҳади билан, жанубдан 490 метр сойнинг тугаш нуқтасигача чегараланади.

- Китоб Давлат ўрмон хўжалиги сарҳади билан ғарбдан жанубга қараб 475 метр; Жанубдан шарққа қараб 390 метр очиқ майдон билан, жанубдан ҳам очиқ майдон билан 450 метр, шимолий – шарқдан 625 метр дала йўлининг туташ жойигача чегараланади⁷⁸.

- Шу нуқтадан жанубий – шарқдан дала йўли бўйлаб 1975 метр Китоб Давлат ўрмон хўжалиги сарҳади билан, жанубдан-шимолга қараб “Сарижангал” сойига очиқ майдон билан 520 метр, шу сойдан жанубдан – шимолга “Уширак” сойининг юқори қисмига 307 метр ва шимолдан 315 метр “Уширак” сойигача. “Уширак” сойдан жанубдан шимолга қараб 732 метр кўриқхона сарҳадининг биринчи бошланғич нуқтасига бориб туташади⁷⁹. Китоб Давлат геологик кўриқхонаси 2017 йилда 2 та лойиҳа бўйича илмий-тадқиқот ишларини давом эттирди:

1.Биринчи лойиҳа “Чўкиндилар йиғилишини палеогеографик шароитини ўрганиш, Китоб Давлат геологик-кўриқхонаси ва унга туташ бўлган ҳудудлардаги девон ва қуйи карбон ётқизиклари учун 1:10000 масштабда палеогеографик хариталар тузиш” ;

2.Иккинчи лойиҳа “Китоб Давлат геологик-кўриқхонаси ва бир-бирига яқин бўлган ҳудудларидаги палеозой стратиграфияси учун мавжуд,

⁷⁸<https://meros.uz/en/object/kitab-davlat-geologiya-qo'riqxonasi>.

⁷⁹Китоб Геология Кўриқхона музейи 2017 йил учун ҳисоботи. Музей кўриқхона жорий архиви. - Б.9.

аҳамиятли таянч кесмаларни “ҳисобга олиш, рўйхатдан ўтказиш ва ордовик, силур ва девон органик қазилма қолдиқларини ўрганиш. “Табиат солномаси”ни юритиш.

Биринчи лойиҳа бўйича 12 ой давомида Янғоқлик, Оби-Сафит, Новихушк, Хўжа-Қўрғон, Зинжилбоғ, Жангалсой, Новолча, Қизилолма, Сангитовар, Ширдоқ худудларида қуйи, ўрта ва юқори девон даври ётқизикларида дала ишлари олиб борилди⁸⁰.

Оби-Сафит худудида 470 м литологик-фашиал кесмалар тузилиб, 50 та макро ва микрофауналарга намуналар олинди. Натижада:

- юқори силур ва қуйи девон ўлчов бирлиги чегараси қатламида қорамтир-кўк, зич, майда заррали рифли охактошлари кетма-кет такрорланиши кузатилди;
- юқори силур ва қуйи девон даври ётқизиклари чегарасида ремсчеиденсис-поствосчмидси конодонт зонаси пайдо бўлди;
- строматопорат, ругоза кўпроқ табулята ва остракодалар турларининг юқори силур ва қуйи девон даври чегарасида камайиши кўзатилди;
- лохков-прага вақтида эрта девон даврига тегишли янги тур биота(органик қолдиқ)пайдо бўлди.

Қадимги географик шароит ўрганилганда, океан хавзаси билан боғлиқ шелфнинг чекка қисмида биостромларни ҳосил қилувчи органик шакллар кузатилган.

Зинжилбоғ, Новихушк, Жангалсой, Новолча, Қизилолма, Янғоқлик, Оби-Сафит, Новихушк ва Хўжа-Қўрғон⁸¹. сойларининг сув айирғич қисми худудларида девон даври ётқизикларидан Хўжақўрғон ва Ятавлук свиталарининг палеогеографик шарроитлари мақсадли ўрганилиб, шу ётқизиклар бўйича Новихушк - №6, Қизилолма - №7, Новихушк ва Хўжа-Қўрғон сойларининг сув айирғич қисми - №7, Сангит.

⁸⁰centralasia_advetures.com.

⁸¹Китоб Геология Қўриқхона музейи 2018 йил учун ҳисоботи. Музей қўриқхона жорий архиви. - Б.44.

Палеонтологик ва муфассал геологик кузатув нуқталарининг таърифи ёзилиб, макро ва микрофауналарига ва монолитга намуналар олинди. Кесма ва нуқталарининг тўртламчи ётқизиқлари билан ёпиқ қисмлари расчистка орқали ўтилди.

Олдин Зинжилбоғ сойининг конодонтлари ўрганилганди, олиб борилган геологик ишларнинг натижалари олиниб, №4-8 сонли геологик профиль ва колонкалар тузилди. Строматолит сементи билан чўкинди брекчиялари тўлқин томонидан вайрон қилинган ва тепадан пастга тушган тепалик структураларининг фациасини ҳосил қилади⁸². Органик қолдиқлар қуйи фран даврини ёритиб беради. Сангитовар 9-сонли кесмаси ўрганилганда худудидаги жинслар қирғоқ ва қирғоқ олди фациасини ифодалайди. Шарқий Ширдоқнинг 10-сонли кесмасида эса палеогеографик ҳолатга кўра риф ён бағирлари билан ифодаланган.

Иккинчи лойиҳа бўйича дала ишлари Китоб Давлат геологик кўриқхонасининг Ғарбий, Марказий ва Шарқий қисмларида, Ғорлисой, Новихушк, Оби-Сафит, Яккамурут, Шарқий Ширдоқ, Янғоқлик худудларида давом эттирилди.

Мадмон свитаси ётқизиқлари бўйича Яккамурутда №35 сонли, қуйи девоннинг Хўжақўрғон свитаси бўйича Шарқий Ширдоқда №36 сонли ва ўрта девон новихушк қатлами бўйича Новихушкда №37 сонли литологик-стратиграфик кесмалар тузилди. Оби-Сафитда №55 сонли, Ғорлисойда №56 сонли ва Новихушкда №57 сонли инвентаризация яъни ҳисобга олиш кесмалари бажарилди. Мана шу кесмалар йўналиш-лари бўйича ранглаш, расмга олиш, журналларда ташқи кўриш ҳолатлари тасвирлаш ишлари олиб борилди.

Йил давомида лаборатория ишлар ҳам аъло даража бажарилди. 408 дона намуна олиниб, уни 8-10 мартадан уксус кислотасига қуйиб ювиб олинди, мақсад кум заррасидек кичик бўлган махсулотлардан конодонт ва

⁸²Ахмедшаев А.Саипов Х.Глобальные геопарки Юнеско – Китабский государственный геологический заповедник. Моддий-маънавий мерос ва умумбашарий қадриятлар. Илмий мақолалар тўплами. - Б.56.

бошқа майда органик қолдиқларни ажратиб олиш. Натижада турларни монографик таърифи билиш ва биостратиграфик тахлилларни қилиш.

Табиат солномасини юритиш мақсадида, Китоб Давлат геологик кўриқхонаси худудида буйлаб 12 ой давомида пиёда маршрутлар олиб борилиб, ўсимлик ва хайвонот дунёсидаги ўзгаришлар ҳисобга олинди⁸³.

2015-2016 йилларда Полша давлатидаги “Силези Университети Табиий ходисалар фани факультети” дан бирга ишловчи доктор(илмий даража унвони) М. Ракочински ва доктор С. Дубика гуруҳ вакиллари Халқаро лойиҳа “юқори девон ва карбон даври чегараси оид бўлган қатламлар” бўйича Китоб Давлат геологик кўриқхонаси(КДГҚ) мутахассислари билан девон ва қуйи карбон даври ётқизикларида ишлар олиб борилди⁸⁴.

2015-2016 йилларда Ўзбекистонлик ва Польшалик мутахассислар биргаликда олиб борган дала ишлари амалга оширилди.

Музей халқаро мавқега ҳам эга бўлиб, кўрғазмага қўйилган тоғ маъданлари ва минераллар Республикамиздаги мавжуд ва фаолият олиб бораётган конларнинг эталон коллекциялари қўйилган. Минералларнинг қисқача шарҳи:

Турмалин қаттиқлиги 7-7,5. Т-ранги қора бўлиб, у микроскоп остида яшил, кўк ёки кунғир кўринади. Турмалин конлари Мадагаскарда, Ссейлонда, Бразилияда, Урал тоғларида, Забайкальяда, Ўрта Осиёда маълум. Чотқол-Қурама, Султон-Уиздоғ, Қоратепа, Хисор тоғларида топилган. Шаффоф ранги тиниқ чиройли хиллари заргарликда майда безак буюмлар тайёрлашда ишлатилади. Пзоэлектрланиш хусусиятларига эга бўлган йирик кристаллари радиотехникада передатчикларнинг тўлқин узунлиги собиллаштирувчи пластинкалар тайёрлашда қўлланилади.

⁸³centralasia_advetures.com.

⁸⁴Ахмедшаев А.Саипов Х.Глобальные геопарки Юнеско – Китабский государственный геологический заповедник.Моддий-маънавий мерос ва умумбашарий кадрятлар.Илмий мақолалар тўплами.Тошкент: 2018. - Б.187-195.

Олтин-Ау Қаттиқлиги 2,5. Соф туғма олтиннинг ранги тилла-сарик, кумушга бой хиллари оч сарик бўлади. Эзилувчан ва чўзилувчандир. Магматикдан тортиб чўкинди жинсларгача бўлган тоғ жинсларда аралашма сифатида учрайди. Уралда, Сибирда, Австралияда, Американинг Калифорния штатида, Жанубий Африкада маълум. Ўзбекистонда Чотқол-Қурама тоғларида, Қизилқумда, Ғарбий ва Жанубий Ўзбекистонда маълум. Олтин бутун дунё давлатларида қимматбаҳо металл ҳисобланиб, давлат валютаси вазифасини бажаради. Заргарлик ишларида, медицинада, физик асбоблар тайёрлашда, химиявий асбоблар ишлашда ва бошқа соҳаларда қўлланилади.

Бундан ташқари музей кўриқхона таркибида динозаврларга оид қизиқарли экспонатлар ҳам жой олган. Уларга биз мисол қилиб динозавр изларини айта оламиз. Бу топилмалар табиатда камдан-кам учрайдиган топилмалардан бири ҳисобланади. Экспозициядаги кўпгина излар шу ҳудуддан топилган. Булар илгари лойлик, ботқоқлик шароитда динозаврларни излари қолган вақт ўтиши билан улар қотиб тошга айланган. Яна бир из Карнозавр йиртқич динозаврга тегишли бўлиб, тирноқларини изларигача қолган. Стегозавр излари 5 панжали бўлган⁸⁵. Булар 4 оёқлаб юрган, ўтхўр бўлиб, думи билан ўзини ҳимоя қила билган. Улар ҳавода, сувда, қуруқликда, ҳамда ўрмонларда яшашган.

Ҳозиргача динозаврларнинг 500дан ортиқ тури аниқланган. Динозавр болаларини бошқа йиртқичлардан ҳимоя қилиш мақсадида тўп-тўп бўлиб юришган ва кичкинтойлар пода орасидан жой олишган⁸⁶. Улар тухумларини ўзлари ясаган инга қўйишган ва тухум очиб чиқмагунча деярли уяларидан узоққа кетишмаган. Бу тухумлар ҳозирги қушлар қўядиган тухумлардай бўлиб, биргина фарқи уларнинг ниҳоятда катталигидадир. Совуқдан ҳимоя қилиш мақсадида динозаврлар тухум устини шох-шаббалар барглари билан беркитишган.

⁸⁵Китоб Геология Кўриқхона музейи 2018 йил учун ҳисоботи. Музей кўриқхона жорий архиви. - Б.54

⁸⁶centralasia_adventures.com.

Динозавр қолдиклари Америка, Африка, Осиё, Европа шу жумладан Ўрта Осиё худудида ҳам кўплаб топилган. Қушсимон динозаврлар ўтхўр бўлиб калтакесаксимон динозаврларга қараганда анча кичик бўлган. Юқорида қайд этилган динозаврларга оид маълумотлар зал деворларини беэаб турган суръатларда ўз аксини топган.

Қўриқхонада нафақат худуддаги экотизимни сақлаб қолиш, Халқаро ва Ўзбекистон Республикаси «Қизил китоби» га киритилган ўсимлик, ҳайвонот оламини ҳам муҳофаза этишга хизмат қилади. Унинг умумий майдони 4 минг гектарни ташкил этади. Ер шарининг геологик тарихи бўйича табиий илмий ёдгорлик ҳисобланади. Ушбу геологик қўриқхона ўз аҳамияти жиҳатидан жаҳон геологик меросининг энг ажойиб кўриниши сифатида халқаро мақомга эгадир.

Кўпгина жонивор ва ўсимлик қолдиқларидан иборат бўлган тоғ жинслари бугунги кунда ернинг геологик ҳолатини ўрганиш учун дунё олимлари эътиборини тортиб келаётганини ҳам айтиб ўтиш жоиз. Илмий манбаларда келтирилишича, геолог олимларнинг изланишлари натижасида қўриқхона худудидаги тоғ қатламларининг узилишсиз ер юзига чиқиб ётиши ва ўрганиш учун қулайлиги исбот этилган.

Геологик кесмаларда қадимги ҳайвон қолдиқларининг кўплиги ва хилма-хиллиги ётқизиқларнинг ёшини, тоғ жинсларининг ҳосил бўлиш ҳолатини аниқлаш, уларни таққослаш, худуднинг геологик тузилишини ва ўша вақтда қандай қазилма бойликлар ҳосил бўлишини асослаб беришда муҳим аҳамият касб этади. Бу кесмалар қўриқхонанинг диққатга сазовор жойлари, яъни унинг геологик объектлари - тоғ қатламларининг кетма-кет жойлашуви, улардаги қадимги ҳайвонларнинг тош қотган қолдиқларини ўрганиш мумкин бўлган асосий манба ҳисобланади.

"Китоб" давлат геологик қўриқхонаси нафақат бир неча юз миллион йиллар аввал яшаган, даврлар ўтиб иқлим ўзгаришлари натижасида қадимги денгиз жонзотлари тош бўлиб қотган кесмалари, балки бугунги кун ҳайвонот ва наботот олами билан ҳам машҳурдир. Қўриқхона худудида 300 хил

манзарали ўсимликлар ўсади. Шундан 280 тури халқ табобатида ишлатилади. 22 тури эса Ўзбекистон Республикасининг "Қизил китоби"га киритилган⁸⁷. Шунингдек, сут эмизувчиларнинг 21 тури, судралиб юривчиларнинг 14 тури, сувда ва қуруқликда яшовчиларнинг 2 тури, балиқларнинг эса 3 тури мавжуд. Қўриқхона ҳудудида тарвақайлаб ўсган ёнғоқлар, ҳосили мўл қизил олмалар, баланд бўйли, ёввойи қизил дўланалар ва бошқа дарахт турларини учратиш мумкин. Аммо уларнинг шохларида сайраётган қушлар сони унча кўп эмас. 128 тури муҳофаза қилинса ҳам, аксарияти жуда кам учрайди. Шунингдек, Зинзилбой сойи бўйлаб юрганда дарахт турлари, арчалар, жилғаларни ҳам кўриш мумкин.

Ҳозирги кунда қўриқхонада 2 та лойиҳа асосида илмий тадқиқот ишлари олиб борилмоқда. Ҳудуддаги палеозой ётқизикларини стратиграфик ўрганишда халқаро ҳамкорлик ишлари ҳам йил сайин кенгайиб борапти. Айна пайтда ҳам қўриқхона ҳайвонот (фауна) ва ўсимлик (флора) дунёси бой ва хилма-хиллиги билан табиатнинг бетакрор гўшаларидан биридир. Уларни сақлаш, ўрганиш учун у ерда набодот ва ҳайвонот оламининг ҳар бир тури муҳофазага олинган.

Бу ерда ўсимликлар, ҳайвонлар, қушларнинг ниҳоятда ноёб турларини учратса бўлади. Ана шулардан бири ҳудудимизда кам учрайдиган, ўзига хослиги билан ажралиб турувчи кўк қушдир. Табиатда кўк ва мовий тусли қушлар кўп, аммо кўк қуш уларнинг ҳеч бири эмас. Унинг илмий унвони Мёпхонус саерулеус Ссоп деб номланган. Кўк қуш қўриқхона сойларининг мафтункор қушидир. У тошқин сувларда қад кўтариб турувчи тошларда учрайди, тўқ кўк рангда товланиб, овози нафис ва жарангдор янграйди. "Уни кўрган инсон бахтли бўлармиш", - деб ривоятларда ҳам айтиб ўтилади. Соёлар, даралар бўйлаб юрганда дарахтларнинг анча сийрак, шунингдек, соёли жойларда нисбатан қалинроқ ўсганини кўриш мумкин. Қўриқхонада Зарафшон арчаси ҳам муҳофаза қилинади. Арча унча баланд ўсмаган, сарғайиб қолган ўт-ўланлар билан қоплаган, тоғ ёнбағрига яшиллиги билан

⁸⁷Китоб Геология Қўриқхона музейи 2017 йил учун ҳисоботи. Музей қўриқхона жорий архиви. - Б.24

чирой бахш этиб туради. Ўзидан хушбўй ҳид таратади. Бу бетакрор ҳудуд халқаро тадқиқотлар ва туристлар марказига айланган.

Хулоса қилиб айтганда Китоб геологик қўриқхона музейи Ўрта Осиё ҳудудидаги ягона геологик қўриқхона музей бўлиб, асрий замонлар оша етиб келган бой, маданий мерос, шу ҳудуддаги табиат ноёбликлари авлодлар учун фахр-ифтихор туйғусини бериши билан бирга, уни асраб, авайлаш бурчини юклайди. Демакки, бугунги кун эртага тарихга айланишини назарда тутсак музей фаолияти, илмий ходимларнинг изланишлари, экспозицияларда намойиш этиши ва кенг оммага тарғибот ишларини кейинги авлод ворисларига етказишда давом этаверади. Бундай ноёб экспозитцияга эга музей нафақат оммага бой маданий меросни етказиб бериш балки ҳозирги замонавий ривожланаётган даврда табиат ноёбликлари жойлашган геологик қўриқхона ҳудуди экотуризмни ривожланишига ёрдам беради ва ҳозирги кунда ушбу ҳудуднинг туристик зоналардан бирига айланиши истиқболли режаси ишлаб чиқилди.

2.2 Китоб давлат геологик қўриқхонаси музейининг ривожлантириш ва такомиллаштириш масалалари

Китоб давлат геологик қўриқхонаси ҳақида гап кетганда ернинг тош қотган китоби, дея таъриф берилади. Сўзни тарихдан бошлайдиган бўлсак, бу ерларда қачонлардир улкан денгиз мавжланиб турган. Бу денгизнинг шаклланиши 500 миллион йил аввал бошланган бўлса, 180-200 миллион йил давомида мазкур ҳудуд сув остида қолган⁸⁸. Денгиз эса юзлаб миллион йил сув ҳайвонлари ва ўсимликларига "бошпана" бўлиб келган. Игнатанлилар, трилобитлар, маржонлар, брахиопода каби ҳайвон турлари денгиз тубида турғун яшаганлар. Бу даврда қуруқлик кам бўлганлиги учун ҳам улар сув остида ривожланган. Яна миллион йиллар давомида ердаги тектоник ўзгариш ва ҳаракатлар, геологик ҳодисалар сабаб денгиз ўрнида улкан тоғ юзага келган. Эндиликда эса бу улкан тоғ ўз бағрига палеозой эрасининг ўрта ордовикдан карбон давригача бўлган денгиз чўкинди ётқизиқларидан иборат

⁸⁸Baratov P. O'zbekiston tabiiy geografiyasi. – T.: O'qituvchi, 1993. - B.106.;

ноёб қадимги денгиз ҳайвон қолдиқларини ўз бағрига олган тош китобдир. Палеонтологик қолдиқлар бу даврда пайдо бўлган карбонатли чўкинди тоғ жинсларида тўлиқ сақланиб қолган. Бу эса уларнинг ёшини, турини, пайдо бўлган вақтини ва ўша даврдаги шароитни илмий ўрганиш имконини беради. Миллион-миллион йиллар аввал яшаган тирик организмларнинг тош қотган қолдиқлари - тоғ қатламлари сирини ўрганиш эса албатта катта билим ва малака талаб этади. Асосий мақсад ва вазифалардан бири бу геологик ва табиий-илмий қидирув ишларини олиб бориш, қўриқланаётган барча табиат мажмуаларини табиий ҳолда сақлаш, қўриқхона ҳудудда жойлашган фан ва амалиёт учун муҳим бўлган геология, стратиграфия, литология, палеонтология, палеография ва экология объектларини рўйхатга олиш масалаларини айта оламиз. Экотизим таҳлилига асосан қўриқхона ва унга тегишли ҳудудларда жойлашган қазиб олинган фауналар ва стратиграфияни ялпи ўрганиш, сендаметацион жараёнлар ривожининг қонунийлигини аниқлаш, Ўзбекистон ғарбий туманларида истиқболли углеводород омбори бўлган рифли мажмуа ҳудудларида кенг ривожланганлиги муносабати билан девон палеобассейнининг стратиграфия йирик моделини қайта ишлаш вазифаларини бажаради.

Ўзбекистонда ноёб табиат ёдгорликларни асраш ва геологик қўриқхоналарни риволантириш хусусида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 11 декабрда қабул қилган 975-сонли “2017-2027 йилларда давлат музейлари фаолиятини янада такомиллаштириш ва ривожлантириш” чора-тадбирлари режасининг 1-илова 3-бандида Ўзбекистондаги бой маданий мероси ва тарихини маҳаллий ва халқаро миқёсда кенг тарғиб этиш, сақлаш ва туризмни янада ривожлантириш мақсадида давлат музей қўриқхоналарни фаолиятини янада такомиллаштириш масалари киритилган⁸⁹. Китоб Давлат геология

⁸⁹Muzeylar faoliyatini tubdan yaxshilash va takomillashtirish bo'yicha davlat tomonidan chiqarilgan O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 2017 yil 15 dekabrda 975-sonli qaror.//2017-2027 yillarda Davlat muzeylari faoliyatini takomillashtirish va moddiy-texnik bazasini mustahkamlash bo'yicha kompleks chora-tadbirlar dasturini tasdiqlash to'g'risidagi qaror.//1-Ilava – B. 2.

кўриқхонаси ривожлантирилиш кўзда тутилган кўриқхона музейлардин бири бўлиб, Қашқадарё вилояти, Китоб тумани Зарафшон тизмасининг жануби-шарқий тармоғида, Жиндарё дарёсининг чап қирғоғида жойлашган. Майдони – 3938 гектарни ташкил этади⁹⁰. Қашқадарёнинг асосий туристик "оҳанграбо"лари - тоғли Шаҳрисабз, Китоб, Яккабоғ туманлари худудларида экологик, фаол, рекреацион ва қишлоқ туризмни, шунингдек, соҳада тўлиқ фойдаланилмаган имкониятларга эга бўлган Қарши шаҳри ва Қарши туманида маданий-маърифий туризмни ривожлантириш чора-тадбирлари белгиланган⁹¹. Худудий туристик маҳсулотларни хориж бозорига чиқариш, табиий ва тарихий-маданий диққатга сазовор манзиллар бўйича янги сайёҳлик йўналишларини ишлаб чиқиш, туристик хизматлар сифатини ошириш кўзда тутилмоқда. Бир қатор маркетинг тадбирлари қаторида яратиладиган "VisitKashkadarya.uz" портали имкониятларидан фойдаланган ҳолда Қашқадарёнинг туристик бренди ишлаб чиқилди⁹². Энг ёш музейлар тармоғи ҳисобланган Экотуризм имкониятларини кенгайтириш мақсадида Миришкор туманидаги Ачинкўл сув ҳавзаси қирғоғи худудида ўзига хос объект - "Биологик буюртмахона" ташкил этилади. Яккабоғ туманининг Хўжаилғор қишлоғида Соҳибқирон Амир Темурнинг оиласи ва болалик йилларини акс эттирувчи ўзига хос музей ташкил этиш, Самарқанд-Шаҳрисабз автомагистралли бўйлаб замонавий туристик кемпинглар барпо қилиш мўлжалланаяпти⁹³.

Китоб туманидаги Кенглик станцияси ва расадхонага, шунингдек, Ҳисор кўриқхонаси ва Китоб давлат геологик кўриқхонасига ташрифлар бўйича туристик дастурлар, Мингчинор қишлоғи худудида тоғ-чанғи базаси ва осма йўл бунёд этиш режалаштирилмоқда. "Ўзбектуризм" Миллий компанияси прогнозларига кўра, мазкур дастурни амалга ошириш

⁹⁰ <https://meros.uz/en/object/kitab-davlat-geologiya-qo'riqxonasi>.

⁹¹ Ахмедшаев А.Саипов Х. Глобальные геопарки Юнеско – Китабский государственный геологический заповедник. Моддий-маънавий мерос ва умумбашарий кадриятлар. Илмий мақолалар тўплами. Тошкент 2018. - Б.187-195.

⁹² The article SE «TheKitab State Geological Reserve».18 Sep 2016.

⁹³ Китоб Геология Кўриқхона музейи 2018 йил учун хисоботи. Музей кўриқхона жорий архиви. - Б.35.

натижасида 2019 йилга бориб воҳамизга ташриф буюрадиган хорижий сайёҳлар сони ўтган йилга қараганда 1,4 баравар ошиб, 33,2 минг кишини ташкил этиши кутилмоқда. Қўриқхонада доимий равишда геология ва табиатни муҳофаза қилиш соҳасига оид халқаро экскурсиялар, илмий анжуманлар ўтказиб келинмоқда. Жумладан 2008 йил 25 август- 4 сентябрда ташкил этилган халқаро конференцияда Англия, Германия, Белгия, Полша, Эрон, Испания, АҚШ, Франция, Чехия ва Россия ва бошқа давлатлардан 70 дан ортиқ олимлар геология соҳасида эришилган ютуқлари ҳақидаги илмий маърузалари билан қатнашдилар⁹⁴. Шунингдек, Китоб геологик қўриқхонасидаги олиб борилаётган илмий тадқиқот ишлари билан танишув учун 8 кунлик геоло-экологик маршрутларда бўлишди. Шу билан бирга 2013 йил 23-25 июль кунлари атроф-муҳит муҳофазаси ва барқарор ривожланиш соҳасидаги энг яхши журналистик ишлар бўйича “Қоплон-13” кўрик танлови доирасида Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси “Чинор” экологик ноширлик компанияси ҳамкорлигида бир гуруҳ журналистлар иштирокида медиатур ташкил этилди⁹⁵. Қўриқхонада ўтказилган матбуот анжумани ва ҳудуд бўйлаб қилинган экотур, шунингдек музейлар билан танишув натижасида қўриқхона ҳақида оммавий ахборот воситаларида, жумладан Ўзбекистон канали мақола ва кўрсатувлар эълон қилинди. Бугунги кунда қўриқхонада геологик ва табиий-илмий экологик билимларни ташвиқот қилиш бўйича кўплаб ишлар амалга оширилиши натижасида 20 дан ортиқ халқаро сайтларда доимий равишда янгиликлар бериб борлимоқда.

Ушбу битирув малакавиш ишини ёритишда Китоб геологик қўриқхона музейини ривожлантириш масаласида бир қатор таклифлар ишлаб чиқилди. Уларга Китоб геологик қўриқхона музейини экомузейга айлантириш, шу билан бирга Музейни Шахрисабз туризм маршрутига киритиш, музейда замонавий технологиялар (махсус витриналар, ёритгич чироқлар ва ҳар бир

⁹⁴ Китоб Геология Қўриқхона музейи 2008 йил учун ҳисоботи. Музей қўриқхона жорий архиви. - Б.23

⁹⁵ <https://meros.uz/en/object/kitab-davlat-geologiya-qo'riqxonasi>.

экспонат хақида маълумот бурувчи галаграммали сўзлашгич) билан таъминлаш ва Музей экспозициясига томошабинларни диққатини жалб қила оладиган, юзага келиши мумкин бўлган саволларга томошабинда етарли қониқиш ҳосил қила оладиган малакали кадрлар зарур.

Китоб геологик кўриқхона музейи экспозицияни сақлаш учун махсус витриналар зарур. Музей фаолиятини ривожлантириш мақсадида жаҳон музейлари фаолиятини ўрганиб, уни кўриқхонани ривожлантириш масалаларида тадбиқ этиш назарда тутилади. Хусусан унинг жихозланишида ҳам бу назарда тутилади. Турли музей ва кўрғазмалар учун музей жихозлари янги технологиялар ва материалларда ишлаб чиқарилади. Материаллар сифатида нозик ёғоч, шпон, витрайдан фойдаланилади.

Музей экспозицияси таркибида ноёб ва қимматбаҳо экспонатлар сирасига мисол қилиб динозавр изларини айтиш мумкин. Улар карбон ва куйи ордовик даврида яшаган. Музейда сақланаётган излар Карнозавр йиртқич динозаврга тегишли бўлиб, тирноқларини изларигача қолган. Стегозавр излари 5 панжали бўлган. Булар 4 оёқлаб юрган, ўтхўр бўлиб, думи билан ўзини ҳимоя қила билган. Улар ҳавода, сувда, қуруқликда, ҳамда ўрмонларда яшашган. Вазирлар Маҳкамаси қарорларида замонавий технологияларни жадал жорий этиш ва интернет хизматларини кенгайтириш масалалари хусусида режалар киритилган⁹⁶. Шу асосида музейни ривожлантириш бўйича лойиҳасига экспозицияга қўйилган ушбу экспонатларни 3D шаклидаги галаграмма ишлаб чиқилиши зарур. Галаграмма динозавр излари сақланаётган зал бўйлаб жойлаштирилиб, карнозавр, стикозавр ва бошқа динозаврлар қиёфаси бутун зал бўйлаб эркин ҳаракатланиши мумкин бўлади.

Музей туризмни ривожлантириш мақсадида Ўзбекистон Вазирлар Маҳкамасининг 2017 — 2027 йилларда Давлат музейлари фаолиятини

⁹⁶Muzeylar faoliyatini tubdan yaxshilash va takomillashtirish bo'yicha davlat tomonidan chiqarilgan O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 2017 yil 15 dekabrda 975-sonli qaror.//2017-2027 yillarda Davlat muzeylari faoliyatini takomillashtirish va moddiy-texnik bazasini mustahkamlash bo'yicha kompleks chora-tadbirlar dasturini tasdiqlash to'g'risidagi qaror.//1-Ilova – B. 2.

такомиллаштириш ва моддий-техник базасини мустахкамлаш бўйича чоратadbirlar дастурини тасдиқлаш тўғрисидаги қарорида “Виртуал музей” лойиҳасини амалга ошириш орқали 2 мингта энг нодир музей ашёсининг 6 та тилдаги 3D ва аудио форматини яратиш; давлат музейларининг веб-сайтларини янгилаш, мобиль электрон дастурини яратиш ва ягона порталга бирлаштириш; сайёҳлик йўналишидаги музей сайтлари 6 та жаҳон тилида юритилишини таъминлаш каби қарор қабул қилинган⁹⁷. Шунини хисобга олган ҳолатда Китоб геологик қўриқхона музей сайтини янада такомиллаштириш масаласи битирув малакавий ишининг бош масалаларидан биридир.

Шу билан бирга музейга ташриф буюрувчилар учун қулайликлар яратиш мақсадида болалар учун махсус жой ташкил этилиши ва экскурсиянинг томошабинлар ёши ва тури (соҳасига) кўра ташкил этилиши режаси ишлаб чиқилди.

Шу билан бирга туризмни ривожлантириш мақсадида қуйидаги маршрут тизимига киритилиши режалаштирилмоқда: Самарқанддан йўлга чиққан туристик маршрут Миришкор туманидаги Ачинкўл сув ҳавзаси қирғоғи ҳудудида ўзига хос объект - "Биологик буюртмахона" , Шахрисабз шаҳри Соҳибқирон Амир Темур ва Темурийлар даврини акс эттирувчи ўзига хос музей, Китоб туманидаги Кенглик станцияси ва расадхонага, шунингдек, Ҳисор қўриқхонаси ва Китоб давлат геологик қўриқхонасига ташрифлар бўйича туристик дастурлар тузиб чиқилди.

Музей ҳудудида нафақат музей экспонатлари, балки Китоб геологик қўриқхона ҳудудини ҳам сайр қилишга мўлжалланган осма йўл бунёд этиш ва унда электромобилда сайр қилиш таклифи ишлаб чиқилди. Электробомил ҳаракатланиши учун яратилаётган осма йўл бутун қўриқхона ҳудуди бўлаб жойлаштирилиб, фақат икки киши учун мўлжалланган бўлади. Ички қисмда хавфсизлик учун барча чоралар кўрилди. Электромобилда хавфсизлик камари, қутқарув анжолари ва ҳаттоки тиббий қути ҳам ўрин олган. Саёҳат

⁹⁷O‘zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 2017 yil 15 dekabrda 975- sonli 2017-2027 yillarda Davlat muzeylari faoliyatini takomillashtirish va moddiy-texnik bazasini mustahkamlash bo‘yicha kompleks chora-tadbirlar dasturini tasdiqlash to‘g‘risidagi qaror. 1-Ilova

давомида бирор кўнгилсиз воқеа юз берса махсус халокат сигнали дачиклари ёрдамида хабар бериш имконияти мавжуд. Электромобилда ўрнатилган халокат дачиклари ҳодиса юз берган ҳудудни аниқ топиш имконини беради. Бу билан қўриқхона ҳудудидаги жониворлар ва табиат ноёбликларига зарар етказишни олдини олиш шу билан бирга ташриф буюрувчиларга кўнгилли саёҳат ва хавфсизликни таъминлаш мақсади ётади.

Хулоса қилиб айтганда Китоб геологик қўриқхона музейини ривожлантириш масалаларида экомузейга айлантириш ғояси илгари сурилди. Бу хусусда талаб ва таклифлар тақдим этилиб, музейнинг истиқболли режалари ишлаб чиқилди.

Хулоса

Ўзбекистон ривожланаётган давлатлар қаторига кираётган ушбу даврда музейшуносликка ҳам замон рухи, талаби асосида қарала бошланди. Ўзбекистондаги илмий, маънавий-маърифий ва иқтисодий ислоҳатлар янги босқичининг мақсадлари билан белгиланувчи устувор вазифаларнинг ягона тизимини қамраб олган ва жамиятнинг маънавий ҳаётини ислоҳ қилиш мобайнида вужудга келган муҳим муаммоларни мазмуни, Ўзбекистон фани ва маданияти олдида турган ўзгаришлар, Республикадаги музейларнинг ихтисослашуви каби принципларга асосланган янги концепция асосида қайта яратилди. Шу жиҳатдан айтиш лозимки, географик муҳит ҳар қандай жойда ижтимоий - иқтисодий тараққиёт учун пойдевор бўлиб хизмат қилади. «Табиат - жамият-инсон» тизими, яъни табиат ва жамият тарихи бир-бири билан чамбарчас боғлиқ бўлиб, бу икки моддий ва маънавий асос алоқадорлиги ривожланиш йўлида ўзаро бир-бирига имкон яратади ва бир-бирини тақозо этади. Табиат ва жамиятнинг ривожланиш қонуниятлари бир-биридан фарқ қилсада, уларнинг ўзаро муносабатлари ривожланишининг қонуниятлари мавжуд. Шу сабабли, ижтимоий-иқтисодий ҳаёт муайян жой табиат билан уйғунлашган бўлади. Табиий музейларга - ўз фаолияти жараёнида табиий фанларга таянувчи барча музейлар киради. Бу ихтисосликка биология, ботаника, зоология, геология, минералогия, палентология, антропология ва бошқа музейлар киради.

“Геологик кўрикхона таркибида музейларини ташкил этиш фаолиятининг ривожланиши” деб номланган биринчи бобда Ўзбекистонда табиий шароитни асл ҳолича сақлаб қолиш ва уни муҳофаза қилиш ишлари Ўзбекистоннинг мустақиллик йилларидан бошлаб жадал олиб борилмоқда. Бу биринчи навбатда Ўзбекистоннинг давлат сиёсатини тўғри юритилиши билан изоҳланса, иккинчи навбатда мамлакатимизда яшовчи ўзбек халқининг она табиатни қадимдан ардоқлаб келишидадир. Бу ҳолат ҳатто халқимизнинг урф-одат ва анъаналарида ҳам яққол акс этиб туради.

Айниқса, Ўзбекистон мустақилликка эришгач табиатни асраш ва уни муҳофаза қилиш ишларини давлат сиёсати даражасига кўтарди. Бу борада кенг кўламли ислохотлар олиб бормоқда. Ўзбекистонда табиий шароитни асл ҳолича сақлаб қолиш ва уни муҳофаза қилиш борасида замонавий хориж тажрибаси асосида табиат ёдгорликларини музейлаштириш ишларини ҳам давлат сиёсати даражасига кўтариш зарур. Бу орқали турли экологик мавзудаги экскурсиялар ёрдамида маҳаллий аҳолида экологик қадриятни шакллантириш мумкин. Экомузейлаштириш асосида кенг кўламли ислохотлар олиб борилиши билан Китоб геологик қўриқхона ва унинг таркибидаги геологик музейнинг ривожланиш тарихини ёритиш замонавий музейшунослик соҳасида яна бир инновацион йўналиш табиат ёдгорликларини музейлаштириш ва кўчмас объект сифатида музейлаштириш интеграцияси имкониятларини кашф этади.

Замонавий музейшуносликда хорижий мамлакатларда фаолият юритаётган геологик қўриқхона музейи соҳасидаги музейлар тажрибаси тадбиқ этиш орқали Ўзбекистондаги геологик қўриқхона музейлар фаолиятида ҳам қўллаш мумкин. Замонавий технологиялардан фойдаланган ҳолда ноёб геологик мерос экспозицияларининг намойиш этилиши зарур. Шу билан бирга Китоб геологик қўриқхона музейи ўз фаолиятини хорижий мамлакатлар геологик қўриқхона музейлар билан ўзаро ҳамкорлик алоқаларини ўрнатиши мақсадга мувофиқ. Бу эса музейга ташриф буюрувчилар оқимини янада ошиши ва музейнинг жаҳон экомузейлар тармоғига киришга ёрдам беради. Хорижий геология соҳасига доир машҳур бешталикка кирган Хитой, Болгария, Россия, АҚШ, Канада, Миср музейларнинг экспозициялари ва иш тажрибларидаги инновацион янгиликлар келтириб ўтилди. Шунингдек, Китоб геологик қўриқхона музейинг замонавий ҳолати ва экспозициясини музейшунослик нуқтаи назардан такомиллаштириш жараёнлари иккинчи бўлим асосида ўрганилди.

Шунингдек, мазкур музейда бугунги кунда Ўздавгеолқўмда табиатнинг ноёб кўринишларини ёдгорлик сифатида эътироф этиш ҳамда тегишлича

муҳофаза остига олиш ва уларнинг бузилиши ҳамда йўқ бўлиб кетишини олдини олиш масаласига оид мақсадга йўналтирилган ишлар жараёни ҳам атрофлича тадқиқ этилди.

“Китоб геологик кўриқхона музейининг ривожлантириш ва такомиллаштириш асослари” деб номланган иккинчи бобда Китоб геологик кўриқхона музей экспозицияси ва экспонатлари тадқиқ этилди, ҳамда Китоб геологик кўриқхона музейини ривожлантириш ва такомиллаштириш муаммолари ўрганиб чиқилди. Бундан ташқари Китоб геологик кўриқхона музейи замонавий талабларга жавоб бериш мақсадида маршрут тизимини йўлга қўйиш, туристик марказлардан бирига айланаётган Шаҳрисабз ва Китоб худудларида ташрифчилар сайёҳлик бекатларидан бирига айлантириш масаласи ҳам кўриб чиқилди. Китоб геологик кўриқхона музейи экспозицияси фаолияти атрофлича тадқиқ этилди, шу асосида Ўзбекистонда геологик кўриқхона музейи фаолияти тўлоқонли ўрганилди, коллекция тўплаш жараёнлари ҳамда ушбу музей фаолиятини такомиллаштириш музейшунослик нуқтаи назардан экспозицияни ривожлантириш жараёнлари ҳам ёритилди.

Китоб геологик кўриқхона музейи Ўрта Осиё худудидаги ягона геологик кўриқхона музей бўлиб, асрий замонлар оша етиб келган бой, маданий мерос, шу худуддаги табиат ноёбликлари авлодлар учун фахр-ифтихор туйғусини бериши билан бирга, уни асраб, авайлаш бурчини юклайди. Демакки, бугунги кун эртага тарихга айланишини назарда тутсак музей фаолияти, илмий ходимларнинг изланишлари, экспозицияларда намойиш этиши ва кенг оммага тарғибот ишларини кейинги авлод ворисларига етказишда давом этаверади. Бундай ноёб экспозитцияга эга музей нафақат оммага бой маданий меросни етказиб бериш балки ҳозирги замонавий ривожланаётган даврда табиат ноёбликлари жойлашган геологик кўриқхона худуди экотуризмни ривожланишига ёрдам беради ва ҳозирги кунда ушбу худуднинг туристик зоналардан бирига айланиши истиқболли режаси ишлаб чиқилди. Китоб геологик кўриқхона музейини ривожлантириш

масалаларида экомузейга айлантириш ғояси илгари сурилди. Бу хусусида талаб ва таклифлар тақдим этилиб, музейнинг истиқболли режалари ишлаб чиқилди.

Ўзбекистон музейлари ўзининг қизғин палласида фаолият олиб бормоқда. Уларнинг ҳар бири ўзига хос, замон руҳига мос жозибаси, экспозицияларининг бойлиги, сермазмунлиги, илмий жиҳатдан мукамаллиги, ёшларга фаннинг кўп соҳаларидан сабоқ олишларига мослиги каби ҳислатлари билан жаҳонга танилмоқда. Шунга қарамай ҳозирда айрим музейларимизнинг экспозицияларидаги такрорланишлар, яъни бирининг иккинчисига ўхшашлигини мавжудлиги сезилмоқда. Бундай ҳолат, айниқса, маълум бир ихтисосликдаги музейларида кўзга ташланмоқда. Ихтиссослашган музейларда фақатгина геология фанининг ривожини эмас, балки ҳайвонот олами, табиат ҳолатларини акс эттириш асосида ҳам қизиқарли экскурсиялар олиб бориш мумкин. Халқаро амалиётнинг кўрсатишича кўпгина музейлар инновацион шаклларда жамғармани очиқ сақланиши тартибига ўтаётди. Бунинг учун ҳозирдан оқ музейларнинг бир вақтнинг ўзида ашёни ҳам хавфсиз сақлаш, ҳам уни келганларга намойиш қилиш имконини берувчи умумий жамғарма жиҳозлари билан таъминлаш лозим. Музей ишини замонавий такомиллаштиришда энг асосий омиллардан яна бири, кадрлар тайёрлаш, музей ходимларининг замонавий ахборот технологияларини ўзлаштириши ҳамда махсус дастур яратиш ёки сотиб олишдан иборатдир. Музей ходимлари ҳар ерда ва ҳар доим миллат ҳамда мамлакатнинг генофонди бўлиши музейларнинг улкан имкониятларини очиб бера олиши лозим. Китоб геология қўриқхона музейи келажак авлодга ер юзининг яралиш эволюцияси ва Ўзбекистоннинг қадимий ва бой геологик тарихи ҳақида гувоҳлик берувчи муҳим маданият муассасаси ҳисобланади. Бугунги кунда музей қўриқхона фаолиятини янада яхшилаш чора тадбирларини ўрганиб чиқиб, унда қўйилаётган йўл тарнспорти ва зарур музей жиҳозларини етказиб бериш масалаларини ҳал қилиш ва маданий

меросни тўлалигича ҳеч бир зарарсиз келажак авлодга етказиш чораларини янада такомиллаштириш зарур.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

I. Ўзбекистон Республикаси Президентининг асарлари

- 1.1. Mirziyoyev Sh. Erkin va farovon, demokratik O`zbekiston davlatini birgalikda barpo etamiz. .- Toshkent: O`zbekiston, 2016. -59 b.
- 1.2. Mirziyoyev Sh. Buyuk kelajagimizni mard va olijanob xalqimiz bilan birga quramiz .- Toshkent: O`zbekiston, 2017. -488 b.
- 1.3. Mirziyoyev Sh. Qonun ustuvorligi va inson manfaatlarini ta'minlash – yurt taraqqiyoti va xalq farovonligining garovi. - Toshkent: O`zbekiston, - 48 b.
- 1.4. Mirziyoyev Sh. Tanqidiy tahlil, qat'iy tartib-intizom va shaxsiy javobgarlik – har bir rahbar faoliyatining kundalik qoidasi bo'lishi kerak. - Toshkent: O`zbekiston, 2017. -104 b.
- 1.5. O`zbekiston Respublikasi Prezidentining 2017 yil 7 fevralda qabul qilingan “2017 — 2021-yillarda O‘zbekiston Respublikasini rivojlantirishning beshta ustuvor yo‘nalishi bo‘yicha harakatlar strategiyasi ” PF-4947-sonli qarori. 1-Пова –В.4.

II. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

хужжатлари

- 2.1 “Музейлар тўғрисида” ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни. 2008 йил сентябрь // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 йил. - № 37-38. –Б. 12-20.
- 2.2 “Музейлар тўғрисида” ги Ўзбекистон Республикаси Қонун. 2008 йил 12 сентябрь // Ўзбекистон Республикаси Қонун ости ҳужжатлари тўплами, 2002 йил. -№.7 –Б. 63.
- 2.3. Ўзбекистон Республикаси биринчи Президентининг 2007 йил 17 январда қабул қилинган Китоб Геологик Қўриқхона музейи тўғрисидаги №ПК-568 сонли Қарори.

2.4. Ўзбекистон Республикаси Хукуматининг 1979 йилда қабул қилинган Китоб Геологик Қўриқхона музейини ташкил этиш тўғрисидаги №-206 сонли Қарори.

2.5. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 31 октябрдаги “Музейлар фаолиятига тааллуқли меъёрий ҳужжатлар тўғрисида”ги 237-сон қарори.

2.6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ўзбекистон Республикаси Геология ва минерал ресурслар қўмитаси тизимида ягона геология хизматини ташкил этиш чора тadbirlари тўғрисида 2017 йил 24 май, ПҚ-3004-сон;

2.7. Ўзбекистон Республикаси биринчи Президентининг 2007 йил 17 январда қабул қилинган №ПҚ-568 сонли Қарори;

2.8. Muzeylar faoliyatini tubdan yaxshilash va takomillashtirish bo'yicha davlat tomonidan chiqarilgan O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 2017 yil 15 dekabrda 975-sonli qaror.//2017-2027 yillarda Davlat muzeylari faoliyatini takomillashtirish va moddiy-texnik bazasini mustahkamlash bo'yicha kompleks chora-tadbirlar dasturini tasdiqlash to'g'risidagi qaror.//1-Ilova – B. 2.

2.9. O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 2010 yil 12 apreldagi 68-son qaror.// 7-Ilova: Muzey mutaxasislarini tayyorlash, muzey xodimlarining malakasini oshirish va ularni tayyorlash tartibi to'g'risida Nizom.

III. Адабиётлар

3.1. Батюшкова. И. В. История геологии. - М.: Наука, 1973. -388 с.

3.1. Бекмуродов. М.Х. Рашидова М.Х. Музейшунослик. -Т.: Фан 2006. -102 б.

3.2. Воронцова Е.А. Музеи в системе науки (Текст)/ Е.А. Воронцова// Культурные миры: Материалы науч. конф. Типология и типы культур: разнообразие подходов. М.: -171 с.

3.3. Фузаилова Г. Хасанова М. Музееведение. – Т.: Фан ва технологиялар, 2008. –192 с.

3.4. Галкина Т.В. Музееведение: основы создания экспозиции.-Томск: Томского государственного педагогического университета, 2004. -С. 56.

- 3.5. Гнедовский М.Б. Современные тенденции развития музейной коммуникации (на материале музееведческой культуры капиталистических стран) // Проблемы культурной коммуникации в музейной деятельности. Сборник научных трудов / НИИ культуры МК РФ. ИНСССР. – Москва: 1989. – 134 с.
- 3.6. Илалов Н. Музееведение. Т.: 2006 г. -357 с.
- 3.7. Исмаилова Ж.Х. Мухамедова М.С. Замонавий музейшунослик асослари. Т.: Турон замин зиё, 2016.-Б. 40.
- 3.8. Известия Среднеазиатского Комитета по делам музеев и охраны памятников старины, искусства и природы. Вып. 1. – Ташкент: Средазкомстарис. 1926. –312 с.
- 3.9. Исторические и краеведческие музеи. Каталог. – Москва: Минкульт., 1988. –540 с.
- 3.10. Курязова Д.Т. Музей иши тарихи ва назарияси - Т.: Ўқитувчи, 2007. - 160 с.
- 3.11. Криштофович А.Н. Геологический словарь. -404 с.
- 3.12. Милютин А.Г. Геология.-М.: Юрай, 2012. -494 с.
- 3.13. Мухамедова М. Музей ва туризм: янги йўналишлар, янги талқинлар. Ўзбекистон музейлари истиқболи. Илмий қўлланма. Тошкент. “Akademnashr”. 2013. - Б.46-63.
- 3.14. Нишанова К. Музей халқ тарихи кўзгуси. Т.: Янги аср авлоди - 2011. - 392 б.
- 3.15. Потапов, А. Музейный предмет и его эмоциональное восприятие // Мир музея. – М.: 2004. – №10. – С. 18–20.
- 3.16. Содикова И. Музейное дело в Узбекистана. - Т.: Фан, 1986. –326 б.
- 3.17. Содикова Н. Маданий ёдгорликлар хазинаси. – Т.: Фан, 1981. –270 б.
- 3.18. Соболева Н.А. Музейный сервис: пути развития. / Сборник. – М.: 2004. - 125 с.
- 3.19. Соболева Н.А. Музейный сервис: пути развития. / Сборник. – Москва, 2004. –125 с
- 3.21. Тельчаров А. Основы музейного дела. – Москва: Омега, 2005. -182 с.

- 3.22. Чарлз Лейел. Principles of Geology. –P.149.
- 3.23. Чумаков В.Ю. Демидовы. Пять поколений металлургов России. – М.: ЗАО «Бизнеском». –2011. –131 с. – (серия «Великие российские предприниматели», том 2).
- 3.24. Ўзбекистон миллий энциклопедияси 10-жилд. –Т.: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” давлат илмий нашриёти, 2005. –656 б.
- 3.25. Юреньева Т.Ю. Музеи в мировой культуре. – Москва: Русское слово, 2003. –536 б.
- 3.26. Юреньева Т.Ю. Музееведение. – Москва: Академпроект, 2003. –382 с.
- 3.27. Baratov P. O'zbekiston tabiiy geografiyasi. – Т.: “O'qituvchi” , 1993 у. – В.117.
- 3.28. William Buckland "Geology and Mineralogy considered with reference to Natural Theology"¹ ublication: London; William. Pickering; 1836. -P. 96.
- 3.29. Hilary Vauremen, Henry William Bristow, Andrew Ramsay “A descriptive catalogue of the rock specimens in the Museum of Practical Geology” 10.07.2016. -P. 167.
- 3.30. John McPhee “Control of Nature”.The New Yorker; 1989.-P.272.
- 3.31. Jonathan Wonham “Geology and Literature”. Paperback.; 1953. -P.120.

IV. Журнал мақолалари

- 4.1. Ахмедшаев А. Саипов Х. Глобальные геопарки Юнеско – Китабский государственный геологический заповедник. Моддий-маънавий мерос ва умумбашарий қадриятлар. Илмий мақолалар тўплами.- Б.187-195.
- 4.2. Асқаров М. «Ўзбекистондаги қўриқхона ЮНЕСКОнинг геобоглар бутунжаҳон тармоғига киритилиши мумкин.».30.04.2016 й. –Б.24;
- 4.3. Государственный комитет республики Узбекистан по геологии и минеральным ресурсам, обсуждения. 27 марта 2005 г.
- 4.4. Дмитриева В.В. «Бизнинг меросимиз».- Тошкент, 9 апрел.2017й.
- 4.5. Мухамедова М. Музей ва туризм. Мозийдан садо. - Тошкент, 2016. - №4. - Б.18-19.

- 4.6. Мухамедова М. Ўзбекистонда замонавий музей иши ривожда инновация, модернизация, глобализация, интеграция жараёнларини тадбиқ этиш муаммолари. Ўзбекистон Миллий университети. “Фан соҳасида инновациялар: назария ва амалиёт” Республика анъанавий илмий-амалий анжумани материаллари тўплами. - Тошкент, 2011. - Б.116-119.
- 4.7. Мухамедова М. Музейларнинг замонавий модификацияси. “Мозийдан садо” журнали – Тошкент, 2010.-№2-3. -Б.66-68
- 4.8. Parker, Lonnae O'Neal. "Smithsonian Names New Director of Natural History Museum." *Washington Post*. July 26, 2012;
- 4.9. Zongker, Brett. "Smithsonian Picks Paleontologist to Lead DC Museum." *AssociatedPress*. July 26, 2012.;
- 4.10. The article SE «The Kitab State Geological Reserve». 18 Sep 2016. - P.557.

V. Архив манбалари ва йиллик ҳисоботлар

- 5.1. Китоб Геология Қўриқхона музейи 2008 йил учун ҳисоботи. Музей қўриқхона жорий архиви.-Б.35.
- 5.2. Китоб Геология Қўриқхона музейи 2015 йил учун ҳисоботи. Музей қўриқхона жорий архиви.-Б.23.
- 5.3. Китоб Геология Қўриқхона музейи 2017 йил учун ҳисоботи. Музей қўриқхона жорий архиви.-Б.59.
- 5.4. Китоб Геология Қўриқхона музейининг жорий архивидан олинган йиллик ҳисоботи.№7.2018 йил.-Б.54

VI. Интернет сайтлари

- 6.1. <https://www.lex.uz> (Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси)
- 6.2. <https://www.ziyonet.uz> (ZiyoNET – информациятаълимтармоғи)
- 6.3. <https://cartogiraffe.com>.(O'zbekiston-qashqadaryo-viloyat)
- 6.4. <https://meros.uz>.(en/object/kitab-davlat-geologiya-qo'riqxonasi)
- 6.5. fine-art.artmam.com.
- 6.6. Google.ru
- 6.7. Network.icom.museum.ru
- 6.8. www.metmuseum.org
- 6.9. www.webgallery2001.narod.ru
- 6.10. www.my-gallery.narod.ru
- 6.11. Uzgeolcom.uz

Иллюстрациилар

Китоб геологик қўриқхонаси




Китоб геологик қўриқхона музейи



“Қимматбахо тошлар”зали



Қўриқхона фаунаси музей экспозициясида




**Китоб геологик кўриқхонага ташриф буюрган хорижий давлатлар
делегатцияси**




Китоб гелогик кўриқхона музейнинг вақтли матбуотда намоиши

**27 МЕЖДУНАРОДНЫЙ ГЕОЛОГИЧЕСКИЙ КОНГРЕСС
ЭКСКУРСИЯ 100 ИЮЛЬ 1984 Г.**



В июле 1984 г. в Советском Союзе состоялась 27-я Международная геологическая конференция. В рамках конференции проводилась экскурсия 100, в которой участвовали геологи из 100 стран. Экскурсия проходила по территории бывшего СССР и включала посещение месторождений полезных ископаемых, геологических памятников и объектов культурного наследия.

**ВТОРАЯ ШКОЛА КОРАЛЛИСТОВ СНГ
ОКТЯБРЬ 1986 Г.**



В октябре 1986 г. в Советском Союзе состоялась Вторая школа кораллистов СНГ. Школа проводилась в горах Кавказа и включала посещение месторождений кораллов, геологических памятников и объектов культурного наследия.

**ВСЕСОЮЗНАЯ ШКОЛА "ПАЛЕОБИОЛОГИЯ,
БИОСТРАТИГРАФИЯ И ПАЛЕОЭКОЛОГИЯ КОНОДОНТОВ"
СЕНТЯБРЬ 1987 Г.**



В сентябре 1987 г. в Советском Союзе состоялась Всесоюзная школа "Палеобиология, биостратиграфия и палеоэкология конодонтов". Школа проводилась в горах Кавказа и включала посещение месторождений конодонтов, геологических памятников и объектов культурного наследия.

**ВСЕСОЮЗНАЯ УЧРЕДИТЕЛЬНАЯ КОНФЕРЕНЦИЯ НТО
"ГЕОЛОГ" С ПОСТОЯННО ДЕЙСТВУЮЩЕЙ
ЭКСПОЗИЦИЕЙ НА ВДНХ СССР
ДЕКАБРЬ 1988 Г.**



**МЕЖДУНАРОДНАЯ ПОДКОМИССИЯ
ПО СТРАТИГРАФИИ ДЕВОНА
Г. ВАШИНГТОН (США) 15 ИЮЛЯ 1989 Г.**



Музей Марказий Осиё ва Қозоғистон вақтли матбуотида

ОХРАНЯЕМЫЕ ПРИРОДНЫЕ ТЕРРИТОРИИ СРЕДНЕЙ АЗИИ И КАЗАХСТАНА

Главная --> Заповедники --> Узбекистан --> Китабский государственный заповедник --> Физико-географические особенности --> Орография

Орография и геология

Топография

Согласно зональному природному районированию, Китабский заповедник расположен в Китаб-Шахрисабзском физико-географическом районе Кашкадарьинского округа Туранской провинции, в горной части ее активного проявления неотектоники. В высотном отношении это среднегорье (тау). Территория Китабского заповедника находится в месте сочленения северо-западных отрогов Гиссарского хребта с Зарафшанским и характеризуется двумя типами рельефа – высокогорным, сильно расчлененным в южной части заповедника (северные склоны хребта Каратаг) и среднегорным, более слабо расчлененным в северной части (левый борт долины Джиндыдары).

Для первого типа рельефа характерны ущелья, шели, теснины с крутыми склонами и скалистыми обрывами. Длина каньонов достигает порой 800-1000 м, ширина русла сужается до 2-3 м. Высота обрывов может быть до 100 м, а относительные превышения водоразделов над руслами ручьев – до 1000 м. Второй тип рельефа представлен куполовидными поверхностями водоразделов, пологими задернованными склонами, покрытыми неогеном. Наименьшую отметку 1200 м имеет русло р. Джиндыдары у кишлака Джауз, наивысшая отметка 2597,1 м расположена на хребте Каратаг. На долю пологих склонов до 10о приходится всего 8% территории, а более половины территории составляют склоны крутизной до 20о. Крутизна склонов повышается по мере увеличения высотных отметок.

Сильно расчлененный рельеф, ливневый характер дождей, разреженный растительный покров способствуют эрозии почв, охватывшей более трети площади заповедника. Эти процессы в последние годы заметно активизировались. Более 80% лесных площадей подвержено плоскостной эрозии средней и сильной степени. Распространены и более интенсивные эрозионные процессы – образование оврагов, обрывов, оползней. Оползневые явления широко развиты вдоль северной границы заповедника и приурочены к участкам с мощным почвенным покровом и разреженной древесно-кустарниковой растительностью. Сползание перенасыщенных водой масс медленное, с одиночными телами быстротечного схода. В привершинных частях хребта Каратаг имеются очаги формирования лавин. Весной по р. Джиндыдары и ее притокам возможно формирование средних и сильных селевых потоков.

- О Проекте
- Эксперты
- Заповедники
- Обратная связь
- Поиск по сайту
- Публикации

NetworkFort сайтида Китоб геологик қўриқхона тўғрисида мақола

The screenshot shows the NewsFort website interface. At the top, there is a search bar and a 'NewsFort портал свежих новостей' logo. Below the logo are navigation tabs: 'Главное', 'Регионы', 'Категории', 'Люди', 'ТВ-Программа', 'Гороскопы', and 'Радио онлайн'. A sidebar on the right contains a search bar, a 'новость' button, and a list of categories. The main content area features a news article titled 'Путешествие по Узбекистану: Китабский государственный геологический заповедник'. The article text discusses the uniqueness of the site and its geological significance. A yellow sticky note is placed over the article, stating 'Новость рекомендована 3 пользователями' and 'рекомендовать'. To the right of the article, there is a 'Добавить свое объявление' button and a 'Гороскопы на сегодня' section with zodiac signs like Овен, Телец, Близнецы, Рак, Лев, Дева, Весы, Скорпион, Стрелец, Козерог, Водолей, Рыбы. Below the horoscopes is a 'Картина дня' section with a photo and a headline about Russian nationalists in Birolovo.

“Китоб геологик қўриқхона музейи Малайзиялик геологларни кизиқтириб қўйди” номли мақола

The screenshot shows the GEONews.com.ua website. The header includes the logo and the date '2006-09-29'. The main headline is 'Узбекистан. Китабский геологический заповедник заинтересовал малазийских геологов'. The article text describes the geological reserve and its significance. A sidebar on the left contains a search bar and icons for 'лента новостей', 'дайджест', 'календарь', and 'правовая база'. The footer of the article mentions 'ИА "Press-uz.info"'. The article text is as follows: 'Китабский государственный геологический заповедник, как известно, является обладателем и хранителем мирового стратиграфического эталона - стандарта нижней границы эмского яруса нижнего девона. Этот и другие объекты заинтересовали группу малазийских специалистов, на днях побывавших в заповеднике. - У заповедника есть все возможности для привлечения экологов, - говорит главный секретарь министерства природных ресурсов и охраны окружающей среды Малайзии Субох Мохд Ясин. - Наше ведомство рассмотрит варианты участия малазийской стороны в многообещающем проекте. Остается добавить, что в свое время Китабский геологический заповедник был местом проведения полевых сезонов школ кораллистов, брахиоподистов и других любителей окаменелостей, а также полевых сессий международной подкомиссии по стратиграфии девона.'



Помощь

Китабский Государственный геологический заповедник

[View current](#) [Map](#) [What to see](#)



В Узбекистане создано свыше 10 заповедников и множество заказников и резерватов. Среди них особенно выделяются Чаткальский горнолесной биосферный заповедник (356,8 кв. км), расположенный в западных отрогах Чаткальского хребта, Гиссарский (814,3 кв. км) и Зааминский (268,4 кв. км) горно-арчевые заповедники, расположенный в Каракалпакистане Бадай-Тугайский заповедник (охраняет равнинные тугайные леса, 64,6 кв. км), Кызылкумский (101,4 кв. км) и Зарафшанский (23,5 кв. км) долинно-тугайные заповедники, Нуратинский горный (177,5 кв. км), Сурханский горнолесной (2136,9) и Китабский геологический заповедник (53,7 кв. км), а также национальные парки Зааминский, Угам-Чаткальский

ЧТО ПОСМОТРЕТЬ

- Базар (55)
- Город (32)
- Городище (38)
- Гостиница (165)
- Сооружение (92)
- Досуг (63)
- Еда (30)
- Метро (34)
- Музей (77)
- Область (temp) (13)
- Памятник (46)
- Природа (77)
- Религия (179)